СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙДИР

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 91 (4338).

8 МАЙ ЖУМА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.



ПРАГА. 6 май. Суратда Шартнома имзолаш пайти. Чапдан ўнгга СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Г. Гусак ва Чехословакия ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал. (ТАСС — ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида

ШАРТНОМА

Дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида 1943 йил 12 декабрда тузилган ва 1963 йил 27 ноябрда узайтирилган ҳамда иккала давлат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда тарихий роль ўйнаган ва улар ўртасидаги қардошларча дўстлик билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга пухта замин солган Совет — Чехословакия Шартномасининг мақсадлари ва принципларига содиқ эканликларини таъкидлаб,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги фашизмга қарши биргаликда олиб борилган курашда мустаҳкамланган ҳамда социализм ва коммунизм қуриш йилларида янада чуқурлаштирилган бузилмас дўстлик, шунингдек улар ўртасида марксизм-ленинизм таълимотига, социалистик интернационализмнинг бузилмас принципларига асосланган қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳар томонлама ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат ва бутун социалистик ҳамдўстлик халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушишига ишончлари комил бўлган ҳолда,

ҳар бир халқнинг қаҳрамонона куч-ғайратлари ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилган социалистик ғалабаларни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш социалистик мамлакатларнинг муштарак интернационал бурчи эканлигини таъкидлаб,

социалистик ҳамдўстликдаги ҳамма мамлакатларнинг социал тузум ва пировард мақсадлар муштараклигига асосланган бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун изчил ва муттасил курашиб,

1955 йил 14 майда тузилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларга қаттиқ риоя этишга аҳду-паймон қилган ҳолда,

ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик уларнинг тараққиётига, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида халқаро социалистик меҳнат тақсимотини ва социалистик иқтисодий бирлашишни янада рўёбга чиқаришга кўмаклашишни қайд этиб,

Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига кўмаклашишга империализм, реваншизм ва милитаризмга қаршилик кўрсатишга қаттиқ бел боғлаганликларини изҳор этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида эълон қилинган мақсадлар ва принципларга амал қилиб,

ҳар иккала мамлакатда социалистик ва коммунистик қурилиш муваффақиятларини, ҳозирги ҳалқаро вазиятни ва ҳар томонлама ҳамкорлик истиқболларини, шунингдек 1943 йил 12 декабрь Шартномаси тузилгандан кейин Европада ва бутун дунёда рўй берган ўзгаришларни эътиборга олиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар социалистик интернационализм принципларига мувофиқ равишда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверадилар, иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираверадилар ҳамда давлат суверенитетини, мустақилликни ўзаро ҳурмат қилишга, тенг ҳуқуқлиликка ва бир-бирининг ички ишларига аралашмасликка асосланиб бир-бирларига қардошларча ёрдам ва мадад бераверадилар.

2-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар дўстона ўзаро ёрдам ва халқаро социалистик меҳнат тақсимоти принципларига асосланиб халқ хўжалигини ривожлантириш, тағин ҳам юксак фан-техника даражасига, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва ўз мамлакатлари меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида ўзаро манфаатли икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий ҳамда фан-техника ҳамкорлигини бундан буён ҳам ривожлантираверадилар ва чуқурлаштираверадилар.

Томонлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий алоқалари ва ҳамкорлигини, социалистик иқтисодий бирлашувини янада ривожлантиришга кўмаклашаверадилар.

3-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар ҳар иккала мамлакат ўртасида фан ва маданият, маориф, адабиёт ва санъат, матбуот, радио, кино, телевидение, соғлиқни сақлаш, туризм, физкультура соҳаларидаги ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантираверадилар ва кенгайтираверадилар.

4-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар иккала давлат халқларини бир-бири билан тағин ҳам чуқур таништириш ва яқинлаштириш мақсадида давлат ҳокимияти органлари ва меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ва бевосита алоқаларни кенгайтиришга бундан кейин ҳам кўмаклашаверадилар.

5-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар социализм ва коммунизм қуриш йўлидан боришга азми-қарор берганликларини ифодалаб, халқларнинг социалистик ғалабаларини, иккала мамлакатнинг хавфсизлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чораларни кўраверадилар, социалистик ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришга интилаверадилар ва уларнинг бирлиги, дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш руҳида ҳаракат қилаверадилар.

6-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар 1938 йил 29 сентябрдаги Мюнхен битими Чехословакияга қарши агрессив уруш бошлаш ва куч ишлатиш хавфи остида тузилган бўлиб, гитлерчилар Германиясининг тинчликка қарши жинояткорона фитнасининг таркибий қисми бўлганлигига ва халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларини қўпол равишда бузишдан иборат бўлганлигига, зотан шу сабабли шундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатлар билан бирга аввал бошданоқ ҳақиқий эмаслигига асосланадилар.

7-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, халқаро тинчликни ва халқлар хавфсизлигини империализм ва реакциянинг агрессив кучлари ҳамлаларидан ҳимоя қилиш учун, халқаро кескинликни бўшаштириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда ялпи ва батамом қуролсизланишга эришиш, ҳамма шакл ва кўринишлардаги мустамлакачиликни батамом тугатиш, мустамлака ҳукмронлигидан халос бўлиб, миллий мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган мамлакатларга мадад бериш учун ҳамма кучларини сарфлайверадилар.

8-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар Европада вазиятни яхшилаш ва тинчликни таъминлаш, Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, улар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш ва Европадаги ҳамма давлатларнинг коллектив бўлиб куч-ғайрат сарфлаши асосида Европа хавфсизлигининг самарали системасини вужудга келтириш йўлида биргаликда ҳаракат қилаверадилар.

9-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар шуни билдирадиларки, Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган давлат чегараларининг ўзгармаслиги Европа хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан биридир. Томонлар бошқа давлатлар — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда тузилган Варшава Шартномаси иштирокчилари билан биргаликда ва бу Шартномага мувофиқ шу Шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар чегараларининг даҳлсизлигини таъминлашга ва милитаризм ҳамда реваншизмнинг ҳар қандай кучлари томонидан агрессия қилинишига йўл қўймаслик ва агрессорга зарба бериш учун барча зарур чораларни кўришга қатъий аҳд қилганликларини изҳор этадилар.

10-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлардан бири бирон бир давлат ёки давлатлар группаси томонидан қуролли ҳужумга дучор бўлган тақдирда иккинчи аҳдлашувчи томон бу ҳужумни ўзига қилинган ҳужум деб ҳисоблаб, дарҳол иккинчи томонга ҳар жиҳатдан ёрдам, шу жумладан ҳарбий ёрдам бериши, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 51-моддасига мувофиқ якка тартибда ёки коллектив равишда ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш тартибида ўз ихтиёридаги барча воситалар билан мадад бериб туради.

Ушбу модда асосида кўрилган тадбирлар тўғрисида олий аҳдлашувчи томонлар дарҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини хабардор қиладилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави қоидаларига мувофиқ равишда ҳаракат қиладилар.

11-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз манфаатларига алоқадор бўлган барча муҳим халқаро масалалар юзасидан бир-бирларини хабардор қилиб, маслаҳатлашиб турадилар ҳамда ҳар иккала давлат манфаатларига мувофиқ равишда келишиб олинган умумий позицияни назарда тутиб ҳаракат қиладилар.

12-МОДДА

Олий аҳдлашувчи томонлар шуни маълум қиладиларки, амалдаги халқаро шартномалар бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлар ушбу Шартноманинг қоидаларига хилоф эмас.

13-МОДДА

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари айирбошланган кундан кучга киради. Ратификация ёрлиқлари қисқа муддат ичида Москвада айирбошланади.

14-МОДДА

Шартнома йигирма йил муддатга тузилади ва олий аҳдлашувчи томонлардан бири тегишли муддат тамом бўлмасдан ўн икки ой илгари хабар қилиш йўли билан Шартномани бекор қилмаса Шартнома ҳар гал шундан кейин яна беш йил муддатга амал қилаверади.

Шартнома 1970 йил 6 майда Прагада икки нусхада тузилган. Уларнинг ҳар бири рус ва чех тилларида бўлиб, ҳар иккала текст айни бирдек кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ,
А. КОСИГИН.

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан
Г. ГУСАК,
Л. ШТРОУГАЛ.

ДЎСТЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

ПРАГА, 6 май. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР билан ЧССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланганидан кейин Прага Гради майдонида митинг бўлиб ўтди. Шартномани имзолашда қатнашган Совет ва Чехословакия партия-ҳукумат делегацияларининг аъзолари шу митингга тўпланган пойтахтнинг ўн минглаб меҳнаткашларни табрикладилар.

Майдонда Совет байроқлари ва Чехословакиянинг уч хил рангли байроқлари, «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!», «Янги Шартномани табриклаймиз!», «Совет Иттифоқи билан — тинчлик ва социализм учун!» деган сўзлар ёзилган транспарантлар ҳилпираб турди.

Митингни ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Прага шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Капек очиб, Прага меҳнаткашлари номидан Олий мартабали совет меҳмонларини табриклади.

Шундан кейин ЧКП Марказий Комитети Биринчи секретари Г. Гусак ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзладилар.

ЧССР Федерал мажлиси халқ палатасининг Раиси С. Пеннигерова Чехословакия меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига табрикномасини ўқиб берди.

Прага Градида ўттиз минг киши қатнашган митинг «Интернационал»ни айтиш билан тугади. Митинг мустаҳкам Совет — Чехословакия дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

Митингдан кейин янги Шартнома имзолаганлигидан ҳушнуд эканликларини изҳор этиш, Совет Иттифоқининг гитлерчилар фашизми устидан қозонган ғалабасининг 25 йиллиги билан табриклаш учун Прага корхоналари ишчиларининг намояндалари Прага Градидаги Совет делегацияси қароргоҳига келдилар. Прага ишчилари делегациядан совет халқига коммунистик жамият қуришда катта муваффақиятларга эришувини тилаганлигини билдиришни илтимос қилдилар.

(Давоми учинчи бетда).

ЎРТОҚ Г. ГУСАК НУТҚИ

Г. Гусак Прага аҳолисини, чехословак халқини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясини ва бутун совет халқини қутлади.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиуми билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг тақдимига биноан республика Президенти ўртоқ Л. И. Брежневнинг Чехословакияни озод қилишдаги катта шахсий хизматларини Чехословакиянинг энг олий мукофоти билан тақдирлаб, унга ЧССР Қаҳрамони Олтин Юлдузини тақиб юриш ҳуқуқи билан ЧССР Қаҳрамони унвони берилганлигини Г. Гусак эслатиб ўтди.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиуми билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг тақдимига биноан республика Президенти СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг Чехословакия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик ишидаги катта хизматларини инобатлаб уларни юксак мукофотлар — занжирли биринчи даража Оқ шер ордени билан мукофотлади.

Шуларнинг ҳаммаси орқали биз мамлакатимизни озод қилишда Чехословакияга ёрдам беришда раҳбар совет арбобларининг хизматларига юксак баҳо беришимизни изҳор этдик ва бутун қаҳрамон совет халқининг хизматларига муносиб баҳо бермоқчи бўлдик.

Совет Армияси бизни озод қилган кунининг 25 йиллигини нишонлаётган, чехословак халқи 25 йиллик меҳнати ва ҳаётида якун ясаётган кунларда, деди Г. Гусак, биз биринчи ва энг қудратли социалистик давлат билан янги иттифоқчилик Шартномаси туздик, бу Шартнома халқларимиз олдида, кишиларимиз олдида истиқболлар очиб беради ҳамда шундан кейинги йиллардаги ижодий меҳнат ва ҳар томонлама ривожланишни гарантиялайди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ҒАЛЛАНИ ТЕЗ, СОЗ ЎРИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу нарсани қайд қиладиларки, республика колхозлари ва совхозлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашга тайёрлана бориб, 1970 йилда бошоқли дон экинларини экиш планини муваффақиятли бажардилар, экинларни ўз вақтида парвариш қилдилар ҳамда дон етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган план ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи, колхоз ва совхозларнинг ўзларини 1971 йил ҳосили учун юқори сифатли уруғлик билан таъминлашларига ва чорвачилик эҳтиёжлари учун зарур ем-хашак жамғариб олишларига имкон берадиган даражада мўл ҳосил олиш учун шарт-шароитлар яратдилар.

Ғаллакор хўжаликлар дон ўриш комбайнлари, ғаллани тозалаш машиналари ва бошқа техника билан етарли таъмин этилганлар. Бу эса ғаллани ўриб-йиғиб олиш ишларини қисқа муддатларда юқори сифатли ўтказиш имконини беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъкидлайдиларки, ҳосил эрта етилиши кутилаётганлигига қарамай ғаллани ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик ишлари сусткашлик билан боряпти. Хўжаликларда 1 майгача мавжуд бўлган 6641 та комбайндан фақат 2862 таси шай қилинган. Асосий ғаллакор областларда комбайнлар айниқса, суст ремонт қилинмоқда. Самарқанд областида комбайнларнинг 42 проценти, Қашқадарё областида 38,8 проценти, Тошкент областида 26,7 проценти тайёрланган, холос. Бунунгур районида мавжуд 192 та комбайндан атиги 12 таси, Каттақўрғон районида 165 та комбайндан бор-йўғи 5 таси ва Қамаши районида 217 та комбайндан фақат 40 таси тайёрланган. Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхозда 112 та комбайн бор, бироқ улардан 69 тасини ремонт қилишга ҳалигача киришилган эмас.

Ғаллакор хўжаликларнинг кўпчилигида омборхоналарни, хирмонларни, йўлларни, тарози хўжалигини ремонт қилиш ишлари ҳалигача бошланмаган. Автомобиль транспорти коникарсиз аҳволда қоляпти.

Уруғчилик хўжаликларида дон тозалаш техникасини ремонт қилишга, дон тозалаш пунктларини монтаж қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Қашқадарё областидаги 10 та дон тозалаш пунктидан фақат биттаси мавсумга тайёрланган. Самарқанд ва Сирдарё областларининг хўжаликларида ҳам аҳвол шундай.

Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлигига қарашли кўпгина тайёрлов пунктлари техника базасини тайёрлашга кейинга қолдирилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юкладилар:

— комбайнлар, жаткалар, тракторлар, дон тозалаш машиналари ва уримда фойдаланиладиган бошқа машиналар ремонти суратини кескин кучайтириш;

— ҳар бир колхоз ва совхозга ўрим техникаси ремонтини тамомлаш муддатларини белгилаш, токи бу иш ҳамма жойда 20 майдан кечиктирмай тамомлансин;

— ғаллани ўриб олиш техникасини тайёрлашга зарур миқдорда ремонт ишчилари жалб этиш, устахоналарда ишни икки сменали ташкил этиш, комбайнчилар ва штурвалчиларни комбайнларни ремонт қилиш ишларига ўтказиш;

— комбайнларни ремонт қилиш сифати устидан контроллик ўрнатиш, уларни сомон шопиювдиган, ғаллани тутиб қоладиган мосламалар ва ёнғинга қарши инвентарлар билан таъминлаш, комбайнларни махсус комиссиялар томонидан тузиладиган актлар бўлмаса ремонтдан чиқарилиши ва қабул қилинишига йўл қўймаслик;

— ғаллакор хўжаликларни эҳтиёт қисмлар, ремонт материаллари, аккумуляторлар, ёнғинга қарши инвентарлар ҳамда пресс-подборщиклар учун боғлашга керакли симлар билан таъминлаш чораларини кўриш:

(Давоми иккинчи бетда).

ДЎСТЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

(Бошн бирнчи бетда).

Ҳозирги кунларимиз учун ва келажак учун муҳим бўлган тарихий ҳужжат тўғрисида шу маънода гапирмоқдамиз. Совет Иттифоқи билан тузилган янги Шартнома чеклар ва словаклар, умуман бутун халқимизнинг эркин миллий ҳаётини, давлатимизнинг суверенитетини гарантиялабгина қолмай, у айни вақтда социалистик ривожланишимизнинг гарови ҳам бўлади ва иқтисодий, илмий, маданий, техникавий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишимиз учун катта имкониятлар беради.

Прага аҳолисининг митинги иштирокчилари, деҳқонларимиз ва зиёлиларимизнинг Совет Иттифоқига дўстлик ҳис-туйғуларининг ифодасидир, деб таъкидлади Г. Гусак.

Меҳнаткаш халқимизнинг Совет Иттифоқига, совет халқига ва унинг Коммунистик партиясига дўстона муносабатларининг чуқур илдизлари бор. Тугилган кунининг 100 йиллиги мамлакатимизда яқинда нишонланган В. И. Ленининг барҳаёт таълимоти, Октябрь революциясининг улуғ ғоялари ва дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг экспуатацияни йўқотиш ва адолатли социалистик тузум қуриш учун олиб борган қаҳрамонона кураши аввал бошданоқ бизнинг иштирокчи синфимизга ва меҳнаткашларнинг бошқа қатламларига катта таъсир ўтказди. Халқларимизнинг ҳозирги тарихи шу таълимот ва ғоялар билан узвий равишда боғланган.

Бизнинг давлатимизга фашистлар хавф солиб турган даврда Совет Иттифоқи халқимизнинг зўр ишончи таянчи бўлиб қолди, деб таъкидлади ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари. Мюнхен ва Ғарб давлатлари билан ўзимизнинг ички буржуазия шармандаларча сотқинлик қилган даврда Совет Иттифоқи миллий ва давлат эркинлигимизни сақлаб колиш учун олиб бораётган курашимизга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр бўлиб турган бирдан-бир мамлакат бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида меҳнаткаш халқимизнинг озодликка чиқиш, унинг миллий, давлат ва социал проблемаларини ҳал этиш йўлидаги умидлари тобора кўпроқ Совет Иттифоқига қаратилган эди. Совет Иттифоқининг шавкатли армияси нацист душман билан курашнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олди ва совет халқи Европадаги ҳамма халқларнинг озодлиги йўлида беҳисоб қурбонлар берди. Мамлакатимиз ичкарисида ва ташқарисида бизнинг фашизмга қарши олиб борган курашимизга Совет Иттифоқи бевосита ёрдам берганлиги, Совет территориясида ҳозирги президентимиз ўртоқ Людвик Свобода қўмондонлигида Чехословакия ҳарбий қисмларини тузишда ёрдам берганлиги, Словакия миллий қўзғолонига бевосита ёрдам берганлиги, территориямиздаги партизан отрядларига ёрдам берганлиги маълум.

25 йил муқаддам халоскор армия бўлган Совет Армияси ўзининг чинакам қаҳрамонона курашини тугалладн, гитлерчи нацистларни тор-мор қилди. У ўзининг зафарли юриши охирида пойтахтимиз — Прагани озод қилди. У фақат бизга эмас, Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларга ҳам озодлик келтирди, жаҳон цивилизациясини фашистлар истибдоди ва вахшийлигидан сақлаб қолди.

Нацистлар оккупациясининг ҳамма машаққатлари ва шафқатсизлигини ўз бошидан кечирган халқимиз, деди Г. Гусак, совет халқининг мардонавор курашини, унинг халаскорлик ролини ҳеч қачон унутмайди. Фақат бизнинг территориямизда бизнинг озодлигимизни деб 150 мингдан ортиқ совет кишиси ўз жонини фидо қилганлигини биз асло унутмаймиз.

Совет Иттифоқи билан иттифоқ бўлиш, деди сўнгра Г. Гусак, бизнинг мамлакатимизни империализмнинг ошкора интервенциясидан омон сақлаб қолди ҳамда халқимиз билан давлатимизнинг бутун кучларни мамлакатимизда социализм қуришнинг мураккаб проблемаларини ҳал этишга, халқимизнинг моддий, социал ва маданий даражасини оширишга қаратишларига имкон берди.

Ўтган 25 йил мобайнида биз саноатни, кооперативлашган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, фан, техника, маданият соҳасида ва бошқа ҳамма соҳаларда ажойиб муваффақиятларга эришдик, шуни ошкора айтиш керакки, халқимиз ва партиямиз Совет Иттифоқининг ҳар томонлама мададн ва ёрдамисиз бундай муваффақиятларга эриша олмас эдилар.

Миллий ва давлат эркинлигимиз қайтадан тикланганлиги, Чехословакия давлатининг мавжудлиги, мамлакатимизда социализм қуриш билан ўтган бутун давр Совет Иттифоқи билан жуда яқин қардошларча алоқа боғламай турнб, Чехословакия халқлари учун на озодлик, на мустақиллик, на социализм бўлиши мумкин эмаслигини яққол исботлади,

Мамлакатимиздаги ўнг оппортунистик ва антисоциалистик кучлар блоки чет эллардаги душман кучлардан катта ёрдам олиб, 1968 йил январяигача бўлган партия ва давлат раҳбарлнгининг хатолари, камчиликлари ва нуқсонлари танқид қилинганлигидан, шунингдек ЧКП январдан кейинги раҳбарлигининг заиф томонлари ва катта хатоларидан фойдаланиб, социалистик давлат негизларининг ўзига қарши очиқдан-очиқ кураш бошлаб юборди. Турли жўн шиорларни ниқоб қилиб олган ана шу қўпорувчи кучлар давлатдаги ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқ ҳокимиятига путур етказишга, Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролига путур етказишга, Чехословакиянн социалистик лагерь ҳамдўстлигидан ажратиб олишга уриндилар, Ички ва ташқи реакцион кучларнинг шу кураш гражданлар уруши чиқаришга ва Чехословакияда контрреволюцион тўнтаришни амалга оширишга қаратилган эди.

Г. Гусак бундай деб таъкидлади: Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг 1968 йил августида берган интернационал ёрдамини Чехословакия меҳнаткашларининг жуда кўпчилиги Чехословакия халқига, Чехословакия Компартиясига, Чехословакия давлатига берилган чинакам қардошлик ёрдами деб ҳисобламоқда.

Партиямиз ва жуда кўп софдил партиясизлар бир йил мобайнида зўр бериб иш олиб борганидан кейин, деди Г. Гусак, Чехословакия Социалистик Республикасидаги аҳвол таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳамма соҳаларда ана шундай ўзгариш рўй берди. Аҳолн кенг қатлзмларининг Совет Иттифоқига муносабатида ҳам шундай аҳвол рўй берди. Ҳамма соҳаларда ЧССР ва СССР халқлари ўртасида анъанавий дўстлик алоқалари яна тикланди, биз дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларининг узоқ йиллик анъаналарини яна давом эттирмоқдамиз. Шуни айтиш мумкинки, кейинги йиллардаги оғир синовлардан кейин Чехословакия билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик энднликда тағин ҳам анча чуқур, сезиларли ва мустаҳкам бўлиб қолди.

Биз шунинг учун ҳам бахтиёрмизки, давлатимизда ва халқаро муносабатларда рўй берган тангликнинг оғир даврндан кейин ҳозир биз мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол юксак даражада мустаҳкамланганлигини, бизнинг социалистик иттифоқчиларимиз билан ва аввало Совет Иттифоқи билан бўлган муносабатларимиз батамом нормаллашганлигини ҳақли равишда айта оламиз.

Мен шунга аминманки, деди ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Совет Иттифоқининг партия-ҳукумат делегацияси чехослобак халқининг Совет Иттифоқига нисбатан дўстлик ва иттифоқчилик туйғуларига ишончи комил бўлган ҳолда, халқимиз Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигида Совет Иттифоқи билан дўстлик ва иттифоқни кўз қорачиғидек асрашига ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашига амин бўлган ҳолда жўнаб кетади.

Иттифоқ тўғрисида бугун тузилган Шартнома халқимизга умидворлик бахш этади ва янада ривожланишнинг янги истиқболларнн очиб беради. Биз бу Шартномага садоқат билан риоя этамиз ва Чехословакиянинг ғарбий чегаралари социалистик лагернинг ҳамма чегаралари эканлигини ва бизнинг давлатимизни Совет Иттифоқи ҳамда бошқа дўст социалистик давлатлар билан жуда яқиндан иттифоқ ва дўст бўлишган тақдирдагина ривожлантириш мумкинлигини жуда яхши тушунган ҳолда Совет Иттифоқи билан оғишмай бир сафда бораверамиз.

(Ўртоқ Г. Гусак нутқи зўр эътибор билан тингланди, гулдурос қарсаклар билан ҳамда «Ура!», «Яшасин Совет — Чехословакия дўстлиги!», «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин ЧКП!», «Яшасин КПСС!» деган хитоблар билан неча марталаб бўлиниб турди).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Прага граждапларн! Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Ҳозиргина бу ерда, Прага Градида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома имзоланди. Бу — мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида чуқур из қолдирувчи воқеадир. Орадан йиллар ва ўн йиллар ўтар, лекин бизнинг шартномамиз совет ва чехословак халқларининг манфаатларига, тинчлик ва социализмнинг улуғ ишига ҳамиша хизмат қила беради.

Ана шу жуда муҳим давлат ҳужжатининг ҳар бир қондаси халқларимизнинг чинакам дўстлиги ва қардошлиги руҳи билан сугорилган бўлиб, социалистик давлатларимизнинг туб муштараклигини ифодалайди. Совет Иттифоқи ва Чехословакия Коммунистик партияларининг совет ва чехословак меҳнаткашларининг халқларимиз бахт-саодати йўлида, енгилмас марксизм-ленинизм байроғи остида бирлигида ишлаш ва курашишга бўлган букилмас иродаси шартноманинг ҳар бир сатридан кўриниб турибди.

Дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги аввалги Совет — Чехословакия шартномаси фашизмга қарши урушнинг долзарб пайтида тузилган эди. Бу шартнома халқларимиз ўртасидаги жанговар иттифоқни мустаҳкамлади. У Чехословакиянинг давлат суверенитетини, унинг мустақиллиги ва озодлигини қайта тиклашни гарантиялаб берди. У мамлакатларимизнинг тинч даврдаги самарали ҳамкорлигига асос солди. Бу шартнома халқларимизнинг манфаатларига яхши хизмат қилди. Унга асосланиб Совет Иттифоқи билан Социалистик Чехословакия ўртасидаги кўп томонлама дўстона алоқаларни ривожлантириш юзасидан жуда катта иш қилинди. Шартнома Европада социализм кучларининг мустаҳкамланишига ёрдам берди, империализмнинг агрессив авантюраларига ва макрли кирдикорларига қарши муштарак курашимизнинг муваффақиятларига кўмаклашди.

Янги шартнома эса Чехословакия гитлерчилар ҳукмронлигидан озод қилинган куннинг чорак асрлик байрами нишонланаётган, совет халқи фашист агрессорлар устидан, босқинчилар ва халқлар озодлигини бўғувчилар устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини кутиб олаётган тантанали май кунларида вужудга келди. Биз уруш йилларидан анча илгарилаб кетдик. Мамлакатларимиз социалистик ва коммунистик қурилишнинг тинч бунёдкорлик вазифаларини ҳал этмоқда. Лекин жанговар қардошликнинг энг яхши традициялари — иттифоқчига ҳақиқий садоқат, ўртоқларча бирдамлик, дўстга ҳамиша мадад беришга доимо тайёр бўлиб туриш традициялари ҳозирги кунда ҳам Совет—Чехословакия муносаоатларида яшаб, ривожланиб келмоқда.

Совет— Чехословакия дўстлиги вахтасида хизмат қилувчи янги Шартномамиз қарнйо ўттиз йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожида ўлкага киритилган ютуқларнинг ҳаммасини тасдиқлайди ва мустаҳкамланди. Шу билан олрга у марксизм-ленинизм таълимотига, социалистик интернационализм принципларига асосланган ҳамкорлигимизнинг ҳозирги даражасини ҳисобга олади.

Бизнинг шартномамиз — ёзиб қўйилмаган бўлса ҳам, лекин Совет ва Чехословак коммунистлари ўртасида, мамлакатларимизнинг ишчилар синфи ўртасида ҳамиша мавжуд бўлиб келган реал қардошлик иттифоқининг овосита воисидир.

Россияда Улуғ Октябрь Социалистик революцияси талаба қозонгандан кейин сизнинг мамлакатингиз оуржуазияси Антанта империалистларининг ёш Совет давлатини тор-мор қилиш йўлидаги ҳаракатларида уларга ёрдам беришга уринди. Лекин минг-минглао чехлар билан словаклар Россия пролетариати томонини олиб чиқдилар, ишчи ва деҳқонларнинг дунёда оиринчи давлати томонини олиб чиқдилар, контрреволюцион кучларга ва чет эл интервентларига қарши курашда биз онлан биргаликда жанг қилиб шу тариқа Советлар мамлакати онлан ўзларининг пролетарча «ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома»сини имзоладиларни, биз буни ҳеч қачон унутмаймиз. 1920 йил баҳорида Чехословакия ишчилар синфи ўз шаҳарларининг кучаларига чиқиб, Советлар Россияси онлан сулҳ тузилишини талаб қилганлиги ҳам яхши эсимизда. Чехословакия меҳнаткашлари ҳукмрон буржуа партияларининг антисовет сиёсатига кескин қарши чиқдилар.

Биз шуни биламизки, Чехословакия ишчилар синфи ва унинг авангарди — Коммунистик партия Совет Иттифоқи билан дўстликни ҳамиша Чехословакия давлати мустаҳкам мустақиллигини ва озодлигини таъминлашга олиб борувчи йўл деб билдилар. Ф.жнали Мюнхен кунларида Чехословакия коммунистлари мамлакатни ўзининг иттифоқчилик бурчига содиқ эканлигини равшан намойиш қилган Совет Иттифоқига маҳкам таянишга даъват қилдилар. Иккинчи жаҳон урушининг синов йилларида коммунистларнинг бу йўли бутун чехословак халқи учун дастур бўлиб қолди.

Коммунистлар ҳамиша айтган сўзларининг устидан чиқиб келганлар. Шу сабабли, сизнинг мамлакатингизда коммунистлар бошчилигидаги ишчилар синфи ҳокимиятни қўлга олиб халқнинг ҳамма ватанпарвар кучларини ўз теварагига бирлаштирган бир пайтда Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик сиёсати Чехословакиянинг давлат сиёсати бўлиб қолганлиги табиий бир ҳолдир.

Совет кишилари дўстликка ҳамиша мустаҳкам ва садоқатли дўстлик билан жавоб бериб келдилар. Ленинча социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлган, иттифоқчилик бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Ленин партияси, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи социалистик Чехословакия билан қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўрадилар деб сиз, ўртоқларни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар! Биз бугун имзолаган шартнома томонлардан ҳар бирининг тўла тенг ҳуқуқлилиги, суверенитети ва мустақиллигига асосланади ҳамда айни социализм мамлакатларига ҳос бўлган қардошларча ўзаро ёрдам, ҳар томонлама ҳамкорлик ва ўзаро мададкорлик принципларини ўз ичига олади. У бир-бирининг ижобий тажрибасидан кенг кўламда фойдаланишни, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришни, фан ва техника муваффақиятларини баҳам кўришни кенгайтиришни ҳамда мамлакатларимиз халқларининг ҳаёт даражасини оширишни кўзда тутади.

Шартномада мамлакатларимизнинг совет ва чехословак халқлари социалистик ғалабаларини муҳофаза қилиш учун,ҳар иккала мамлакат ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга қатъий азмн қарор берганлиги ифода этилган. Биз 15 йилдан бери социалистик давлатларнинг тинч меҳнатини муҳофаза қилиб келаётган Варшава Шартномаси юзасидан олган мажбуриятларимизга содиқ эканлигимизни яна бир карра таъкидлаймиз. Социалистик Чехословакиянинг территориал дахлсизлигини бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар бирлашган кучларимизнинг қаттиқ зарбасига дуч келишини душманларимиз асло унутмасинлар! Совет Иттифоқи билан Чехословакиянинг бирдамлиги бузилмасдир, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади. Шартномамизнинг сўзлари ана шундай. Зотан бу қатъий сўздир.

Социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар сингари Совет Иттифоқи билан Социалистик Чехословакия ҳам ўзларининг тинчликсевар ташқи сиёсатини амалга ошираяганларида бошқа ижтимоий тузумдаги давлатлар билан ўз муносабатларини ленинча тинч-тотув яшаш принциплари негизига қурадилар. Биз ўзимизнинг ана шу принципларга содиқ эканлигимизни ҳозиргина имзоланган шартномага ёзиб қўйдик. Социализм мамлакатлари — халқлар ўртасидаги тинчликнинг мустаҳкам таянчидир, янги Совет — Чехословакия шартномаси ҳам бунинг яна бир далилидир.

Азиз ўртоқлар! Комил ишонч билан шуни айтиш мумкинки, Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига жуда мос бўлиб тушади. Бу шартнома социалистик ҳамдўстлик онрлари ва жипслигини янада мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қушишига шак-шубҳа йўқ. Ана шу оирлик эса тинч, оунёдкорлик меҳнатимиз муваффақиятларининг гаровидир, социалистик ва коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган тарихни қурашимизда янгидан-янги ғалабаларга эришиш гаровидир.

Азиз прагаликлар!

Қардош Чехословакия пойтахти — гўзал, қадимий Прага, Чехословакия пролетарлари революцион ишчилар ҳаракатининг ирик маркази булган қизил Прага совет кишисининг дилига азиз ва муътабардир. Прага давримизнинг энг улуғ революционери бўлган Владимир Ильич Ленин фаолиятининг муҳим босқичларидан бири онлан оогланган. Шу ерда, Прага кўчаларида, 1945 йил май ойидаги сунгги жангларда Қизил Армия жангчилари онлан Прага оаррикадаларининг жангчилари ёнма-ен турно ҳаракат қилиб фашист босқинчиларнинг адабини оердилар. Бизнинг қуролдош дўстларимиз — генерал Свобода корпусининг солдатлари ўзининг шонли жанговар йўлини шу ерда тугалладилар.

Жанговар Қизил Байроқ орденн топширилганлиги онлан Прагани, унинг ишчиларини, барча меҳнаткашларини астойдил қувонно муборакоод қилаетганлигимизнинг оонси ҳам ана шу.

Азиз дўстлар, сизларга ва сизлар орқали оутун чехословак халқига меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар, социалистик давлатингизга равнақ тилашга ижозат бергайсиз!

Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати онлан Прагага келган вақтимизда бизни хурсандлик онлан кутиб олганлигниз учун сизларга делегациямиз номидан қизғин миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсиз.

Чехословакия фашист босқинчилардан озод қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати онлан Прагада бўлган вақтимизда бизга кўрсатилган илтифот учун делегациямиз номидан сизларга сидқидилдан миннатдорчилик изкор этишга ижозат бергайсиз.

Яшасин Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

(«Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи овацияга айланиб кетувчи гулдурос, давомли қарсаклар онлан бир неча бор бўлиниб турди. Митинг қатнашчилари: «Дўстлик, дўстлик!», «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!», «Тинчлик!» деган сўзларни қайта-қайта такрорладилар. Майдон узра қудратли «Ура!» садолари янгради»).

ҒАЛЛАНИ ТЕЗ, СОЗ ЎРИБ ОЛАЙЛИК

(Бошн бирнчи бетда).

— хўжаликларда мавжуд бўлган ҳамма юк автомашиналарини ва ғалла ташиш учун яроқли бошқа транспорт воситаларини ўз вақтида тайёрлаб қўйишни таъминлаш;

— хирмонларга олиб борадиган йўлларни ва омборхоналарга кирнладигән йўлларни ўз вақтида ремонт қилиш; ғаллани машиналар онлан ишлаш учун хирмонларни жиҳозлаш, омборхона бинолари ва тош-тарози хўжалигини бажариш эҳтиёжларини ва страхование фондларини барпо этишни таъминлайдиган миқдорда ғамлаб қўйиши устидан қатъий назорат ўрнатишни таъминлаш мажбуриятини юкладилар. Колхоз раислари ва совхоз директорлари хўжаликларнинг ўз уруғлиги онлан таъминланиши учун шахсан жавобгардирлар.

Тайёрлов министрлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва унинг сифатини назорат қилиш область ва район инспекцияларига дон экинлари ҳосилдорлиги прогнозларини ва донни ғалла қабул қилиш пунктларига ва хўжаликларнинг уруғлик ҳамда ем-хашак фондларига ғарамланадиган ғалланинг жўнатилиши ва топширилаётган ғалла ғарамларининг сортларга ва бошқа хужжатларга қараб расмийлаштириш тартибига риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш;

— хўжаликларнинг озуқа ресурсларини кўпайтириш мақсадида колхоз ва совхозлар томонидан ғалла қабул қилиш корхоналарига топшириладиган дон даставвал тозаланиши ва хўжаликларнинг ўз кучи ва маблағлари онлан чекланган кондицияларидан кам бўлмаган нормаларга ётказилиши лозим эканлиги белгилаб қўйилсин.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмасига қуйидаги вазифалар таклиф қилинди:

— хўжаликларда ғалланн ишлаш учун механизациялашган хирмонлар ташкил этишни таъминлаш, уларни ғалла тозалаш техникаси онлан жиҳозлаш;

— сомонни тўла сақлаб қолиш, бунинг учун уни тагидан ўриб олиш ва ўримдан кейин сомонни тўплаш ва ғарамлаш, бунинг учун прессподборшиклар ва ғарамловчи машиналарни кенг қўлланиш. Ўримдан кейин ер участкаларини ҳайдашни ташкил этиш;

— сидирға ва экинлар орасидаги ҳосилни қисқа муддатларда ўриб олиш. Орада бўлинишга йўл қўймасдан сидирға экинларни ўриб олишни тугаллаб, бедани суғориш, экин ораликларида эса тупроқни ва маккажўхори экинларини экишдан олдин ишлаш.

Автомобиль транспорти министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмасига колхоз ва совхозларга ғаллани хирмонлар ва тайёрлов пунктларига ташиб олиш учун жиҳозланган 3000 та автомашина ажратиш, ҳосилни ташишда банд бўлган автомашиналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриш таклиф этилди. Донни ўриш ва ташиб олиш вақтида ғаллакор областларда етишмаган автомобилларнинг ўрнини республиканинг бошқа областлари ҳисобидан тўлдириш таклиф қилинди.

«Узглавнефтеснабсбыт»га ғаллакор район ва областларни бензин онлан таъминлаш ҳақида кўрсатма берилди. Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва Ички ишлар министрлигига ёнгинга қарши тадбирларни кўришни таъминлаш таклиф қилинди.

Қишлоқ хўжалиги, Савдо ва Соғлиқни сақлаш министрликларига «Узбекбирлашув» правлениесига ғалла ҳосилини ўриб олишда банд бўлган колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва механизаторларни иссиқ овқат онлан таъминлаш, медицина хизмати кўрсатиш ва кўчма савдо қилиш онлан хизмат кўрсатишни таъминлаш ҳақида топшириқ берилди.

Область район партия комитетларига, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзи республика комитетига ва унинг жойлардаги органларига май ойининг иккинчи ярмида дон экинларини ўриб олишга тайёргарликни ўзаро текширишни ташкил этиш топширилди

Ғалла ўрими даври учун республика «Ҳурмат тахтаси» таъсис этилади. Давлатга ғалла топшириш планини муддатидан илгари бажарган ва ўзларини уруғлик онлан таъмин этган область ва районлар ана шу «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

Ғалла ўрими, уруғлик фондлар жамғарнш ва давлатга топшириш ҳамда уруғлик ғалласи сотиш илғорларини рағбатлантириш мақсадида ҳосилни ўриб йиғиб олишда ўрнак кўрсатган область, район, совхоз ва автоколонналарга топшириш учун Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг тўртта кўчма Қизил байроғи таъсис этилади.

Қизил байроқлар ғалла ва уруғлик ғалланн ўриб олиш ва тайёрлашда, уруғлик ва ем-хашак фондларини ғамлаб олишда юксак кўрсаткичларга эришганлик учун 10 июндан бошлаб ҳар 10 кунда берилади. Қизил байроқ топширилиши онлан бир вақтда ғалла ҳосилини ўриб олишда алоҳида ўрнак кўрсатганларни рағбатлантириш учун илғор областга 500 сўм, илғор районга 300 сўм, илғор совхозга 200 сўм ва илғор автоколоннага 200 сўм пул мукофотлари берилади.

Республика ва область газеталари редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетига ғалланн ўриш ва тайёрлаш илғорлари тажрибасини кенг пропаганда қилиш таклиф қилинди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органларини, касаба союз, комсомол ташкилотларини, ғаллакор колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашларини ғалланн қисқа муддатларда ва нобуд қилмай ўриб олиш учун, галла ва навли уруғликларни давлатга сотиш планини, уруғлик фондлари, страхованне ва ем-хашак фондларини ғамлаб олиш планини ўз вақтида бажариш учун, юбилей йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чақирдилар.

КОММУНИСТЛАР ВА ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

7 майда сайлов кампаниясининг янги босқичи бошланди. Округ сайлов комиссиялари ўз кенгашларида коммунистлар ва партиясизлар блокининг вакилларини СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга ола бошладилар.

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 114- **Тошкент — Ленин** сайлов округи округ сайлов комиссиясининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидовни Тошкент — Ленин сайлов округидан** СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олишга якдиллик билан қарор қилинди.

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи **621- Тошкент — Киров** сайлов округи округ сайлов комиссияси Тошкент шаҳар 207-мактабнинг физика ўқитувчиси **Нури Умарович** СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

* * *

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Янгийўл сайлов округи округ сайлов комиссиясининг кенгаши бўлиб ўтди. Янгийўл районидаги Киров номли колхоз участка мудири, Ўзбекистонда донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Турсуной Охуновани 628- Янгийўл сайлов округидан** депутатликка номзод қилиб рўйхатга олишга якдиллик билан қарор қилинди.

АБАДИЙ БИРГАМИЗ

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ОЗОДЛИК ЮБИЛЕЙИНИ БАЙРАМ ҚИЛМОҚДА

ПРАГА, 7 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Прага Градининг Испан залида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси Миллий фронти Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси Федерал мажлиси ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинган куннинг 25 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Залнинг тўрида «25» рақамлари ва 1945—1970 саналари оппоқ полотнога зарҳал билан ёзилган ва бу полотно чехословак ҳамда совет, байроқлари билан ўралган.

Мажлис президиумида ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Г. Гусак, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Л. Свобода, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Р. Штроугал, Чехословакиянинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари ўтиришипти.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия — ҳукумат делегацияси ва социалистик мамлакатларнинг тантаналарга келган бир қанча партия-ҳукумат делегациялари бошлиқлари бор.

Мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб, Чехословакия, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг раҳбарларини гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар.

Залда Чехословакия, Совет Иттифоқи Давлат гимнларининг садолари янграйди.

Тантанали мажлисни Чехословакия Коммунистин партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Федерал ҳукумат Раиси Л. Штроугал очади. Л. Штроугал Чехословакия Коммунистин партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Г. Гусакка сўз беради.

Ўртоқ Г. ГУСАК доклади

Бундан йигирма беш йил муқаддам халқларимиз ҳаётида янги давр бошланди, деб таъкидлади Г. Гусак. Гитлерчилар фашизми устидан ғалаба қозонилган кун — 1945 йил 9 май чех ва словак халқлари қаҳрамонона курашининг чўққиси бўлиб, шу кураш натижасида Чехословакиянинг давлат суверенитети қайтадан вужудга келди, миллий ва демократик революциянинг узил-кесил ғалабаси ҳамда социализмга аста-секин ўтиш учун шарт-шароит яратилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Чехословакияда ва чет эллардa туриб ана шу ҳал қилувчи курашни ниҳоясига етказишга кўмаклашган ўн минглаб чех ва словак ватанпарварларига миннатдорчилик билдирамиз. Биз, аввало, Чехословакиядаги ва чет эллардаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатида, иккинчи жаҳон уруши фронтларида ва қамоқ лагерларида халқларимизнинг озодлиги учун, меҳнаткаш халқимизнинг социал адолатга эришиши учун ҳалок бўлган кишиларни ҳурмат ва чуқур миннатдорчилик билан эсга оламиз.

Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партияси раҳбарлигидаги Совет Армияси, қаҳрамон совет халқи, деди сўзини давом эттириб ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, бошқа кўпгина мамлакатлар сингари бизнинг мамлакатимизнинг ҳам халоскори бўлди. Шу сабабли биз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигида ҳузуримизга келган СССР партия-ҳукумат делегациясини табриклаш билан ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Совет Армиясининг генерали бўлган ўртоқ Брежнев мамлакатимиз территориясидаги халоскорлик жангларида бевосита қатнашди. Бошқа кўпгина ҳурматли меҳмонларимиз ҳам бу жангларда иштирок этдилар. Бугун биз уларни бу ерда қизғин табриклаймиз.

Қадимий анъаналарга эга бўлган Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги биргаликда тўкилган қон билан мустаҳкамланган. Шу курашда мамлакатимизда туғилган шиорга — «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз» деган шиорга халқимиз амал қилиб келди ва амал қила беради.

Иккинчи жаҳон урушининг энг шиддатли жанглари олиб борилаётган даврда, 1943 йил 12 декабрда халқимизнинг ҳис-туйғулари ва орзу-умидларига мувофиқ равишда биз Совет Иттифоқи билан дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздик. Ҳозир, озодлигимизнинг йигирма беш йиллиги кунларида биз янги шартномани имзоладик. Бу шартнома ўзаро дўстлигимиз ва иттифоқимизни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга бўлган букилмас иродамизнинг ифодасидир. Янги шартномада 1943 йилги шартноманинг мақсадлари ва принциплари сақлаб қолинган, айни вақтда у социалистик равожланиш тажрибаси ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бу мақсадлар ва принциплари тағин ҳам чуқурлаштиради. Озодлигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан бизнинг озод қилганлиги учун ҳамда социализм қурилишида бизга ёрдам бериб келганлиги ва бераётганлиги учун совет халқига ва Совет Иттифоқига Коммунистик партиясига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қиламиз. Совет халқи халқларимизни қутқариш ва уларни озод қилиш йўлида берган беҳисоб қурбонларини биз асло унутмаймиз. Биз дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда ва бутун социалистик ҳамдўстликда социализмни ривожлантириш учун ҳамма ишларни қиламиз.

Биз бошқа қардош халқларга — поляк, болгар, румин, югослав, немис, венгер халқларига ҳамда Совет Иттифоқи билан биргаликда, бизнинг қисмларимиз ва партизакларимиз билан биргаликда Чехословакияни озод қилиш учун курашган бошқа кўпгина антифашист курашчиларга ҳам миннатдорчилик изҳор қиламиз. Байрамимизда қардош мамлакатларнинг намояндалари иштирок этаётганлигига ҳурсандмиз. Азиз ўртоқлар, сизларни ва мамлакатларингизнинг халқларини ишонтириб айтамизки, Чехословакия социалистик ҳамдўстлигининг мустаҳкам таркибий қисми бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Г. Гусак Чехословакиянинг иккинчи жаҳон уруши арафасидаги ривожи тўғрисида гапириб, Мюнхен битимлари Европадаги империалистик сиёсатнинг тимсоли бўлганлигини таъкидлади. Бизнинг халқимиз бу тажриба эвазига катта хун тўлади. Буржуазиямизнинг ички сиёсати сингари унинг Ғарб давлатларидан андоза кўчирган ташқи сиёсати ҳам миллат манфаатларига зид бўлиб, ҳалокатга олиб борганлигига халқимиз ишонч ҳосил қилди.

Оккупация йилларида ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқ нацизмга қарши курашнинг асосий огирлигини ўз зиммасига олди ҳамда Коммунистик партия раҳбарлигида Чехословакиядаги миллий ва демократик революциянинг дебочаси билан бир қанча революцион тадбирларни амалга оширди.

Г. Гусак шундан кейин урушдан кейинги дастлабки даврда мамлакатда рўй берган воқеаларни таърифлаб шуни таъкидладики, 1945 йилда Кошицеда қабул қилинган ҳамда Чехословакия Коммунистик партиясининг лойиҳаларига асосланган ҳукумат программаси чуқур революцион ўзгаришлар қуроли бўлди. Бу программа халқнинг фашизмга қарши кураш тажрибасига негизланди ва халқ мақсадларини ифодалади. Бу программа яқин орада қилинадиган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг асосий вазифаларини ўз ичига олди, социализм сари олга қадам қўймоқ учун шу вазифаларни амалга ошириш зарур эди.

Ишчилар синфи билан меҳнаткаш халқнинг 1948 йил февралдаги ғалабаси, деди Г. Гусак, Чехословакияда социализм қуриш йўлини очиб берди.

Чехословакия Компартияси чехословак жамиятининг раҳбар кучи бўлиб қолди, деди у сўзини давом эттириб, ЧКП ўзининг революцион программаси, марксизм-ленинизм ғояларига, социализмнинг улуғ ғояларига садоқати туфайли раҳбарлик мавқеини қўлга киритган эди. Ишчилар синфи ва кўпчилик меҳнаткашлар ҳал қилувчи тўқнашувларда партиямизга тўла ишонч билдирганлигининг боиси ҳам ана шу. Шу тариқа муваффақиятли социалистик қурилиш учун ҳал қилувчи шарт-шароит яратилди.

Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигидаги меҳнаткаш халқимиз социалистик қурилишнинг мураккаб революцион вазифасини шараф билан уддалай олганлигини ўтган чорак аср якунлари исботлаб турибди. Ишчилар синфи, деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлиларнинг фидокорона, заҳматкаш меҳнати туфайли халқларимиз тарихидаги энг шонли ташаббусларга мансуб бўлган ва Чехословакия жамиятини янада зўр куч билан ривожлантириш замини бўлиб қолган иш амалга оширилди. Ички ва халқаро ривожланишнинг мураккаб шароитларида хатолар, нуқсонлар ва бузилишларга йўл қўйилганлиги ҳам бу ишнинг улуғворлигини камсита олмайди. Чехословакия Коммунистик партияси бу йилларни ошкора айтди ва ҳалоллик билан бартараф қилмоқда.

Йўл қўйилган хатоларни тапқидий анализ қилиш ва тузатиш соҳасида партиянинг 1968 йилда сарфлаган куч-ғайратларидан антисоциалистик ва ўнг кучлар социалистик қурилиш принципларига қарши ошкора ҳаракат бошлаш мақсадида фойдаланиб қолдилар.

Социалистик ижтимоий тузумнинг афзалликларини ўтган 25 йил мобайнидаги қурилиш якунлари тамомила равшан кўрсатиб турибди.

Социализм қурилиши натижасида жамиятимизнинг социал ва иқтисодий структурасида туб ўзгаришлар рўй берди, деди Г. Гусак. Капиталистик синфлар сақнадан супуриб ташланди ва уларнинг ўрнини социалистик ишчилар синфи, кооперативлашган деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар олди. Иқтисодий соҳада социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари батамом тантана қилди, бу муносабатлар ҳар томонлама иқтисодий ривожланишнинг туб замини бўлиб қолди. Инсон инсонни эксплуатация қиладиган системага ўлим зарбаси берилди. Эксплуататорлардан халос бўлган меҳнаткаш халқ ўз мамлакатининг суверен ҳўжайинига айланди.

Саноат ишлаб чиқаришининг баъзан бир текис бўлмаса ҳам, лекин муттасил ривожланиб борганлиги революцион туб ўзгаришларнинг ифодаси бўлди, шу давр ичида саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражага нисбатан 6 баравардан зиёд кўпайди. Асосий фондлар қиммати 2 баравардан зиёд ошди. Оғир саноатнинг, ёқилғи—энергетика ва металлургия базасининг ва, аввало, машинасозликнинг устун даражада ривожланиб борганлиги халқ хўжалигини техника-иқтисодий жиҳатдан янги юксалтиришнинг, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг, ЧССРнинг капиталистик бозорда мустақиллигини оширишнинг манбаи бўлди. Замонавий саноат тармоқлари вужудга келтирилди ва энг ривожланган мамлакатларгина ўзлаштирган ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, биз энг қийин вазифалардан бирини—деҳқонларни социализм ишига жалб қилиш вазифасини муваффақиятли бажардик. Бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари қишлоғимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди ва кейинги йилларнинг сиёсий имтиҳонига бардош берди. Шу туфайли социалистик йирик товар қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини доимий ривожлантиришни таъминлаб келмоқда.

Мамлакатнинг миллий даромади урушдан аввалги даражага нисбатан 3,5 баравар кўпайди.

Мамлакатимизда социализм қурилиши даврида Чехия областлари билан Словакиянинг иқтисодий ривожидаги тафовутларни йўқотиш соҳасида ёрқин муваффақиятларга эришилди , деб таъкидлади Г. Гусак. Бутун буржуа Чехословакиясининг саноати ишлаб чиқарган кўпроқ саноат маҳсулотини ҳозир Словакиянинг ўзи ишлаб чиқармоқда.

Миллий масаланинг, аввало, чехлар билан словаклар ўртасидаги муносабатлар масаласининг ҳал этилиши Чехословакия давлати учун, чехлар билан словакларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бир давлатда бир неча халқнинг федератив иттифоқини вужудга келтиришдан иборат ленинча ғоя бизнинг мамлакатимизда ҳам чехлар билан словакларнинг ягона социалистик давлатдаги қардошларча ўзаро муносабатлари ва энг яқин ҳамкорлиги учун янги шарт-шароитларни яратиб берди.

Ўтган 25 йиллик давр маданиятимиз, маорифимиз, фан ва санъатимизни ривожлантиришда ҳам муҳим босқич бўлди. Ҳозир Чехословакия аҳолининг билими савияси жиҳатидан дунёдаги энг юксак даражада ривожланган мамлакатлар қаторида турибди.

Бизнинг социалистик мамлакатлар билан, аввало, Совет Иттифоқи билан иттифоқчиликка асосланган ташқи сиёсий йўлимиз революция натижаларининг ва социалистик қурилиш ғалабаларининг мустаҳкам гаровидир, деб сўзини давом эттирди докладчи. Экономика соҳасида бу иттифоқчилик ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Европадаги социалистик мамлакатлар ҳарбий иттифоқининг негизи ва Европа хавфсизлигининг муҳим омили бўлган Варшава Шартномаси суверен Чехословакия Социалистик Республикасининг мудофаасини мустаҳкам равишда таъминлаб турибди.

Шу ойда биз Варшава Шартномаси тузилганлигининг 15 йиллигини нишонлаймиз.

Пролетар интернационализми ташки сиёсатимизнинг ва барча халқлар билан муносабатларимизнинг асосидир. Биз бу принципларни муқаддас ва даҳлсиз деб ҳисоблаймиз. Клемент Готвальднинг Совет Иттифоқига муносабат пролетар интернационализмининг мезонидир, деган сўзларини ҳаёт неча марталаб тасдиқлади. Биз — социалистик давлатлар катта оиласининг аъзосимиз. Биз социалистик ҳамдўстликнинг тарихий қисми сифатидагина халқимиз манфаатлари ва орзу-умидларининг рўёбга чиқишини таъминлай оламиз.

Социалистик ўзгаришларга баҳо берган вақтда биз жамиятимиз Чехословакия Коммунистик партияси меҳнаткаш халққа бошчилик қилганлиги туфайлигина шу қадар катта муваффақиятларга эришганлигини яхши тушунамиз.

Чехословакия Компартияси ўз сиёсатида Ленин таълимотига ижодий ёндошиш билан риоя қилган, марксизм-ленинизм принципларини ижодий қўлланган даврларда биз ҳамиша жуда катта муваффақиятларга эришиб келганлигимизни бу йил улуғ революционер ва мутафаккир В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан эслатиб ўтдик. Улуғ Ленин ғоялари Чехословакия Социалистик Республикасининг куч-қуввати ва равнақ манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Меҳнаткаш халқимиз, ишчилар синфи ва унинг етакчи кучи бўлган ЧКП социалистик қурилишдаги муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрлана оладилар.

Ҳамма қийинчиликлар ва камчиликларга қарамай, социализм меҳнаткаш халққа анча тўлиқ, анча бахтли ва анча бадавлат ҳаётни таъминлаб беришга қодир эканлигини бизнинг мамлакатимизда исботлади.

Ўз вақтида ҳал этилмаган ҳамда биз ўтган йиллар мобайнида бошдан кечирган ижтимоий ва ички партиявий тангликнинг сабаби бўлган жуда кўп проблемаларни ҳам яширмоқчи эмасмиз, деди Г. Гусак. Айрим хатолар ва камчиликлар ижтимоий ўзгаришларнинг объектив характеридан келиб чиқди. Ҳужумга бораётган ишчилар синфи зарур билимларни ва тажрибани ўзлаштириш, бошқариш ва раҳбарлик қилишни ўрганиши лозим бўлди. Бошқа хатолар объектив анализ ва ишга сергак ёндошиш ўрнини олган субъектив ёндошиш оқибатида рўй берди. «Шахсга сиғиниш» тушунчасига кирувчи методлар бизнинг мамлакатимизда ҳам қўлланилди. Снёсий ва хўжалик практикаси учун ўз вақтида ва изчиллик билан хулосалар чиқариб олинмаганлиги катта зиён етказди.

Г. Гусак шуни таъкидладики, хатолар ва камчиликларни ҳалол, соғлом танқид қилиш билан бир вақтда бутун революцион ўтмишга нигилистик муносабат тобора кўпроқ намоён бўлаверди ва аста-секин устунлик қилиб кетди. Душман ревизионистик кучлар ҳам ҳужумга ўтиб, социализмга ва унинг асосий неъматларига қарши чиқдилар ҳамда турли-туман буржуа ва майда буржуа қарашларини тарғиб қила бошладилар.

Партиянинг революцион ўзаги жамиятдаги кучайиб бораётган кескинликни ва пайдо бўлаётган хатарни пайқай бошлади. У партия турмушининг ва бутун жамиятга раҳбарликнинг ленинча принципларини тиклашга ҳаракат қилди. Унинг куч-ғайратлари ЧКП Марказий Комитетининг 1968 йил январь Пленумида намоён бўлди. Январь Пленуми ишининг асосий мақсади бизнинг социализмга борадиган йўлимиздаги тўсиқларни бартараф этиш учун шарт-шароит вужудга келтиришдан иборат эди. Бунда гап Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш ва социалистик давлатни мустаҳкамлаш тўғрисида борган эди.

Партия раҳбарлиги 1968 йил январидан кейин XIII съезд қарорларини ва ЧКП Марказий Комитети 1968 йил январь Пленуми хулосаларини рўёбга чиқариш юзасидан зарур бўлган чораларни зўр ғайрат билан амалга оширади, деб кутилган эди. У иш усули ва услубини такомиллаштиради ҳамда ишни пайсалга солмай, мамлакатимизда келгусида социалистик ривожланиш манфаатларини кўзлаб меҳнаткашларнинг ташаббусидан тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароит вужудга келтиради, деб кутилган эди.

Лекин бу умидлар рўёбга чиқмади, деб таъкидлади Г. Гусак, сиёсий жиҳатдан партия раҳбарлиги ялпи эмас эди, унинг ўн оппортунистик қаноти айби билан парокандалик кучайиб кетди. У ишчилар синфига таянмади ва бир жойда депсиниб тура берди. Шу тариқа масалани ҳал этишнинг январь Пленуми вужудга келтирган имкониятидан фойдаланишда ва оқибат натижада бу имконият йўққа чиқарилди.

Январь Пленумидан кейинги раҳбарликнинг заифлигидан ва унинг равшан хулосага келишга ноқобил эканлигидан ўнг кучлар фойдаланиб қолдилар, улар ўзларининг авантюристик режаларини партияга ва жамиятга тиқиштира бошладилар. Уларнинг фаолияти натижасида социалистик давлатнинг роли анча издан чиқди. Коммунистик партия масъулиятсизлик билан қилинган таъна, маломатларнинг нишони бўлиб қолди, унинг раҳбарлик ролига путур етди. Шу тариқа социалистик тузум моҳиятининг ўзи ҳам хавф остида қолди.

Ўнг антисоциалистик кучлар социализмнинг асосий таянчларини бузишга ҳамда бизнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлигимизни, интернационал қардошлик байрогини бадном қилишга қаратилган кампанияни кучайтириб юборди.

Чехословакия катта хатар остида қолди. Чехословакиядаги тангликни сиёсий йўл билан ҳал этиш учун ўзларининг бутун кучларини сарфлаган қардош коммунистик партиялар фожиага пассив назар билан қараб тура олмадилар ва контрреволюциянинг ўз муддаосига етишига йўл қўйишлари мумкин эмас эди.

Варшава Шартномасидаги иттифоқчи қўшинларнинг 1968 йил августида Чехословакияга киргани-ги ўнг, антисоциалистик кучлар планларининг бажарилишини барбод қилди. Бу иш — мамлакатимиздаги социализмни ва бутун социалистик лагерни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракат , партиямизга, ишчилар синфимизга, халқимизга интернационал ёрдам бериш йўлидаги ҳаракат бўлди.

1968 йил августидан 1969 йил апрелигача бўлган даврда гап кўпгина раҳбар сиёсий арбобларнинг ғўрлиги ёки социализмнинг қандайдир моделини бирон бир тарзда қидириш устида эмас, балки ташкил этилган ўнг, контрреволюцион фаолият устида борганлигини яна бир карра кўрсатди. Москва протоколини бажаришга ва ЧКП Марказий Комитетининг 1968 йил ноябрь резолюциясига принципсизларча ёндошиш партиянинг ҳам, жамиятнинг ҳам жиддишишини имкон бермади. Августгача бўлган даврдаги салбий тенденциялар давом эта берди. Жамият янги танглик ларзаларига дуч кела берди.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

СССР партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев минбарга чиққанида залдагилар ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар ва «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган табрик хитоблари билан қутиб оладилар. Л. И. Брежнев ўз нутқида қуйидагиларни айтди.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Чорак аср муқаддам уруш тўпларининг овози ўчди. Гитлерчилар ва уларнинг гумашталарининг Чехословакиядаги қарийб етти йиллик ҳукмронлиги барҳам топди. Янги ҳаётга қадам қўйган, ёрқин байроқ ва ранг-баранг гулларга бурканган Прага халоскор жангчиларни шодиёна кутиб олди. Чех ва словакларнинг гўзал диёрида озодлик тонги отди.

Ўша пайтдан буён кўп нарса бошдан кечирилди, атроф теварагимиздаги кўп нарсалар ўзгарди. Жаҳонда кишиларнинг янги авлоди пайдо бўлди. Иккинчи жаҳон уруши бу кишилар учун фақат тарих бўлиб қолди. Аммо шодиёна май айёми тўғрисидаги, ғалаба айёми — ҳаммамиз учун муштарак бўлган зафар кунлари тўғрисидаги эсдаликлар халқларнинг хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди, ўртоқлар!

Карпатдаги қонли жанглардан кейин совет қўшинлари фашист босқинчиларини Чехословакия тупроғидан ҳайдаб чиқара бошлаган пайтда бошқа кўпгина совет кишилари каби мен ҳам биринчи марта сизнинг мамлакатингизда бўлган эдим. Халқларимизнинг шонли ўтмишидаги ана шу саҳифалар жанг қатнашчиларидан бири сифатида мен учун ҳам ғоят азиз эканлигини рўй-рост айтаман. Чехлар ва словаклар совет жангчиларини чин кўнгилдан ва шоду хуррамлик билан кутиб олганликларини унутиш мумкин эмас.

Бизларнинг ҳаммамиз — совет делегациясининг аъзолари Чехословакия фашистлар ҳукмронлигидан озод қилинган куннинг 25 йиллигини сизлар билан бирга-ликда кутиб олаётганлигимиздан бениҳоя хурсандмиз. Биз шу кунларда жанговар ўртоқларимиз билан, уруш йилларидаги сафдошларимиз билан яна кўришдик. Биз фашист йиртқичнинг белини синдирган совет халқининг унутилмас жасоратига чехословак меҳнаткашлари самимий ҳурмат билан қараётганлигини яна ҳис этдик, дўстлик, самимият, ўртоқчиликнинг илиқ ҳароратини ҳис этдик.

Мен аввало, бу байрамга савет партия-ҳукумат делегациясини таклиф этганликлари учун меҳмондўст мезбонларимизга ташаккур айтишни истар эдим. КПСС Марказий Комитети, СССР ҳукумати шу нарсага аминдирки, делегациянинг визити совет—чехословак ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, ҳар иккала халқнинг дўстлигини, совет коммунистлари билан чехословак коммунистларининг дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Буюк ғалаба кунлари алоҳида вазнятда ўтмоқда. Бизнинг тантаналаримиз Ленин юбилейи билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Ленин юбилейи ҳали яқингагина Совет Иттифоқида ва Чехословакияда, бошқа социалистик мамлакатларда кенг байрам қилинди, бутун жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги бу юбилейни нишонлади. Коммунистлар, меҳнаткашлар ўзлари бажараётган ишлар тўғрисида доҳий хотираси олдида ва ўзларининг революцион виждонлари олдида ҳисоб бердилар, эришилган ютуқларни ва келгусига мўлжалланган ўз планларини Ленин билан, унинг таълимоти ва васиятлари билан таққослаб кўрдилар. Шу муносабат билан қуйидагиларни айтиб ўтмай иложи йўқ: фашизмни тор-мор келтиришда Ленин мамлакати ҳал қирувчи рол ўйнади, фашизмнинг тор-мор қилиниши Ленин ғояларининг янгидан-янги тантаналари учун асос нуқтаси бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети, Совет Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг топшириғига биноан, СССР коммунистлари ва бутун совет халқи номидан шу тантанали мажлис қатнашчиларини, Чехословакия коммунистлари ва барча меҳнаткашларини фашистлар ҳукмронлигидан озод қилинган куннинг 25 йиллигини сизлар билан бирга-ликда кутиб олаётганлигимиздан бениҳоя хурсандмиз. Биз шу кунларда жанговар ўртоқларимиз билан, уруш йилларидаги сафдошларимиз билан яна кўришдик. Биз фашист йиртқичнинг белини синдирган совет халқининг унутилмас жасоратига чехословак меҳнаткашлари самимий ҳурмат билан қараётганлигини яна ҳис этдик, дўстлик, самимият, ўртоқчиликнинг илиқ ҳароратини ҳис этдик.

Мен аввало, бу байрамга савет партия-ҳукумат делегациясини таклиф этганликлари учун меҳмондўст мезбонларимизга ташаккур айтишни истар эдим. КПСС Марказий Комитети, СССР ҳукумати шу нарсага аминдирки, делегациянинг визити совет—чехословак ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, ҳар иккала халқнинг дўстлигини, совет коммунистлари билан чехословак коммунистларининг дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Буюк ғалаба кунлари алоҳида вазнятда ўтмоқда. Бизнинг тантаналаримиз Ленин юбилейи билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Ленин юбилейи ҳали яқингагина Совет Иттифоқида ва Чехословакияда, бошқа социалистик мамлакатларда кенг байрам қилинди, бутун жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги бу юбилейни нишонлади. Коммунистлар, меҳнаткашлар ўзлари бажараётган ишлар тўғрисида доҳий хотираси олдида ва ўзларининг революцион виждонлари олдида ҳисоб бердилар, эришилган ютуқларни ва келгусига мўлжалланган ўз планларини Ленин билан, унинг таълимоти ва васиятлари билан таққослаб кўрдилар. Шу муносабат билан қуйидагиларни айтиб ўтмай иложи йўқ: фашизмни тор-мор келтиришда Ленин мамлакати ҳал қирувчи рол ўйнади, фашизмнинг тор-мор қилиниши Ленин ғояларининг янгидан-янги тантаналари учун асос нуқтаси бўлиб қолди.

Америка агрессиясининг кенгайтирилиши шубҳасиз, Ҳинди-Хитой халқларининг қатъий зарбасига дуч келади. Империализмга қарши дунёдаги тинчлик, демократия ва социализм кучлари Ҳинди-Хитой халқларини қўллаб-қувватламоқда-лар. Америкалик агрессорларнинг янги жинояти уларни Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган разил уруш каби қабиҳ ва шармандали натижаларга олиб келажагига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Куни битиб қолган ижтимоий тузум жаҳонга келтираётган хавф-хатарларга биз юксак даражадаги ҳушёрлик билан, агрессорларнинг кирдикорларига қаттиқ зарба бериш билан, социализм дунёсининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш билан жавоб берамиз. Бизнинг синфий душманларимизнинг бу билан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас. Бир қанча капиталистик мамлакатлардаги ҳукмрон доираларда ҳам ўзини тийиб туриш маъқул, қатарли кескинликни ўчоқларини кенгайтирмаслик маъқул, ташқи сиёсатнинг энг реал йўллари тўғрисида ўйлаб кўриш керак, деб огоҳлантирувчи садолари баралла эшитилаётганлиги бежиз эмас.

Ўртоқлар!

Фашист агрессорлар устидан қозонилган ғалаба халқларнинг буюк ғалабасидир. Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бу ғалабанинг муносиб гултожи бўла олади ва бўлиши керак. Биз пацифистик ҳаёлларга берилмаймиз. аммо хозирги кунда империалистларнинг мустаҳкам тинчлик бўлишини ёқлаб чиқаётган кучлар нақадар буюк куч эканлигини аниқ — равшан кўриб турибмиз Европа аҳолисининг ярми социализм мамлакатларида истиқомат қилмоқда. Европада ҳамма учун чинакам хавфсизлик — осойишталик вазияти вужудга келтирилиши мумкин ва лозим. Европа давлатларининг мавжуд чегаралари даҳлсиз эканлигини тан олиш, ҳар қандай территория даъволаридан воз кечиш — бунга олиб борадиган бирдан-бир тўғри йўлдир.

Социалистик давлатлар Европадаги барча мамлакатлар ўртасида муносабатларни яхшилаш ва кенг ривожлантиришга ҳамиша тарафдор бўлиб келмоқдалар. Социалистик мамлакатлар Европага доир ҳал этилмаган баъзи проблемаларни Умумевропа кенгашида муҳокама қилишни таклиф этганларида ҳудди шунга амал қиладилар. Ана шу таклиф муносабати билан социалистик мамлакатларнинг ниятларига дог тушириш-га уриниб, бундай проблемаларни қараб чиқиш ва ҳал этиш бизга, социалистик мамлакатларгагина даркор, деб ҳисоблайдиган кишилар беҳуда ҳаракат қиладилар. Бундай проблемаларни қараб чиқиш ва ҳал этиш Европадаги барча мамлакатларга, бутун дунёга баббаравар зарурдир.

Европани тинчлик қитъасига айлантириш — Европадаги барча давлатларнинг ишидир. Германия Демократик Республикаси бу тарихий вазифани ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Немис меҳнаткашларининг социалистик давлатини мустаҳкамлаш халқаро ҳаётда бу давлатнинг ролини тобора ошириш—Европа халқлари хавфсизлигининг жиддий омилидир.

Германия Федератив Республикаси ҳам Европа қитъасида тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта хисса қўша олади. Социалистик давлатлар ва Европадаги барча тинчликсевар халқлар на бутун, на эртага хуллас, ҳеч қачон немис тупроғидан янги агрессия хавфи пайдо бўлмаслиги тўғрисида мустаҳкам гарантиялар берилишини тўла асос билан талаб қилмоқдалар. Потсдам тарихий қарорларининг маъноси ва руҳи ана шундай. Бизнинг асосий йўлимиз, шу жумладан, ҳозирги пайтда Германия Федератив Республикаси билан олиб борилаётган музокараларда тутган йўлимиз ҳам ана шундай. Германия Федератив Республикаси билан социализм мамлакатлари ўртасида мавжуд бўлган проблемаларни фақат шу асосда чинакам ҳал этиш мумкин эканлигига аминмиз.

Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан, ўз дўстлари ва иттифоқчилари билан биргаликда Европада ҳам, шунингдек жаҳоннинг бошқа районларида ҳам халқаро ишларни мамлакатларимизнинг халқлари тинч қурилишни бамайлихотир давом эттираоладиган тарзда, ҳар бир халқ ўзининг эртанги куни тинч кун бўлишига ишона оладиган тарзда уюштиришга эришмоқ учун куч-ғайратларини аямайди.

Ўртоқлар! Иккинчи жаҳон урушидаги воқеалар эрксевар халқларнинг ўз ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишларида улар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик бўлиши муҳим эканлигини мисли кўрилмаган зўр куч билан тасдиқлади. Уруш даврида, фашизмга қарши ҳаёт-мамот курашида совет ва чехословак халқларининг жанговар дўстлиги чиниқди. Мен шу минбарда туриб, жанговар чехословак дўстларимизга — Харьков ва Киев остоналарида, Острава ва Прага атрофидаги Дуклда Совет Армияси билан бир ёқадан бош чиқариб жанг қилган чехословак корпусининг собиқ жангчиларига, Словакия қўзғолони ва Прага қўзғолони қаҳрамонларига, подпольечи ветеранларга, мард партизанларга, душманга қаршилик кўрсатган халқнинг барча жангчиларига кизғин салом топширишимдан астойдил мамнунман. Бу кишилар фашизмга қарши курашнинг оғирлигини ўз зиммаларига олиш билан чекланмай, балки уларнинг кўпчилиги янги, социалистик Чехословакиянинг актив бинокорлари ҳам бўлиб қолди.

Уруш ва қаршилик кўрсатиш ҳаракати ветеранларининг кўпларн ҳозир бу ерда, шу залда ўтиришипти. Азиз сафдошларимиз ва дўстларимиз, сизларни самимий табриклаймиз. Биз Словакия миллий қўзғолонининг раҳбарларидан бири — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Густав Гусакни табриклаймиз. Биз чехословак корпусининг собиқ қўмондони, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун халқаро Ленин мукофоти» лауреати генерал Людвик Свобода-ни табриклаймиз. Жанговар ўртоқлар, биз сизларнинг ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, зўр ғайрат ва бардамлик, социалистик Чехословакия бахт-саодати йўлидаги ҳамма ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Чехословакияда социализм ғалаба қилиши билан давлатларимиз ўртасида чинакам дўстона, чинакам қардошларча муносабатлар ўрнатиш имконияти туғилди.

Биз, коммунистлар социалистик давлатлар ўртасидаги дўстликнинг қарор топишини юзаки тасаввур этмаймиз. Биз эксплуататор синфлар томонидан асрлар бўйи ўрнатилиб, тарғиб этилиб келган шовинистик хурофотлар ва миллий маҳдудлик каби ўтмиш саркитлари халқлар онгида ҳали узоқ вақт сақланиб қолишини биламиз. Коммунистлар муайян бир мақсадни кўзда тутиб, барча меҳнаткашларни пролетар интернационализми, социалистик бирдамлик руҳида мунтазам равишда тарбиялаш ишларини ана шу буржуа меросига қарама-қарши қўядилар. Интернационализм бўлмаса, коммунистик идеология ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳолбуки интернационализм бўлмаса, бирорта ҳам социалистик революция охиригача ғалаба қилолмайди.

(Давоми тўртинчи бетда).

АБАДИЙ БИРГАМИЗ

Ўртоқ Г. ГУСАК доклади

(Боши учинчи бетда).

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1969 йил апрель Пленумигина партиянинг марксча-ленинча характерини, унинг бирлиги, активлиги ва куч-қудратини тиклаш мақсадида соғлом кучларнинг қатъий ҳужумга ўтиши учун мадад берди. Партия раҳбарлиги ўнг кучларнинг таъсирини тугатишга, партия сафларини оппортунист унсурлардан тозалашга, давлат органларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча кескин чоралар кўрди.

Биз сафларни жипслаштиришнинг биринчи йили ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида сезиларли натижалар берди, деб ҳозир айтоламиз. Антисоциалистик ўнг кучлар блоки сиёсий соҳада мағлубиятга учратилди. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1970 йил январь Пленумида партия билетларини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор партия аъзоларининг фаолиятини марксизм-ленинизм принциплари асосида кучайтириш учун, партиянинг революцион бирлигини мустаҳкамлаш ва уни беқарор унсурлар ҳамда шуҳратпарастлардан тозалаш учун муҳим воситадир. Чехословакия Коммунистик партияси шу тариқа ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланади, чехословак жамиятини чуқур тангликдан муваффақиятли суратда олиб чиқади ва бундан кейинги ижтимоий тараққиётимизнинг барча асосий проблемаларини ҳал этади. Биз бунга аминмиз.

Ўтган йили, деб таъкидлади Г. Гусак, партиянинг барча социалистик мамлакатлар билан ва уларнинг Коммунистик партиялари билан ўртоқларча, дўстона муносабатларини тиклаш соҳасида зўр бериб ҳаракат қилиши шиори остида ҳам ўтди. Чехословакия Коммунистик партияси яна халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг мустаҳкам таркибий қисми бўлиб қолди, у социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча алоқаларни тиклади ва бу алоқаларни кучайтириб бормоқда.

Ватанимизнинг хавфсизлигини халқаро майдонда таъминлаш вазифаси. Чехословакия буржуазияси 1938—1939 йилларда давлатимизнинг бошига солган фожиали қисматнинг такрорланишига йўл қўймаслик бурчи партия жавобгарлигининг асосий таркибий қисми бўлди ва шундай бўлиб қолади.

Биз Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам иттифоқни халқимиз хавфсизлигининг бирдан-бир гарови, деб билдик ва шундай гаров деб биламиз. Халқларимиз учун оғир бўлган пайтларда Совет Иттифоқигина Чехословакияга нисбатан ўз зиммасига олган мажбуриятларга содиқ бўлиб қолди. Совет Иттифоқининг унутилмас хизмати шундаки, чехословак халқи 25 йил муқаддам ўз ватанида бошқариш аппаратини ўз қўлига ола билди. Биз чорак асрдан буён тинч шароитда яшаб келаётганлигимиз, чорак аср мобайнида бутун Европада тинчлик ҳукм суриб келаётганлиги учун чехословак халқи аввало Совет Иттифоқининг изчил тинчлик сиёсатидан ва социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам иттифоқидан миннатдордир.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар системаси ҳамда Варшава шартномасининг мавжудлиги шундай ғовни вужудга келтирдики, бу ғов ўтган чорак асрда Европада осойишталикни хавф остида қолдириш йўлидаги уринишларни ва иккинчи жаҳон урушининг якунларини қайтадан кўриб чиқиш йўлидаги ҳамма уринишларни чилпарчин қилди. Биз СССР вакиллари билан биргаликда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани имзолаган бир пайтда ана шу қардошларча иттифоқчилик алоқаларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда Совет Иттифоқи делегацияси билан олиб борган музокараларимиз, деди докладчи, қарашлар ва манфаатларнинг тамомила бир хил эканлигини тасдиқлади. Биз худди чинакам дўстлардек музокара олиб бордик. Биз шуни қайд қила оламизки, сиёсий, иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги муваффақиятли суратда ривожланиб бормоқда. Бу эса ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига муносибдир. Биз социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, империализмга қарши курашда ҳаракат бирлиги масалаларига ва Европа хавфсизлиги масалаларига катта эътибор бердик.

Биз имзолаган шартнома кейинги чорак асрда жаҳонда рўй берган ўзгаришларни тўла акс эттиради. Бу шартнома жаҳонда социализм позициялари мустаҳкамланганлигини ва чехословак—совет муносабатлари юксакроқ даражага кўтарилганлигини акс эттиради.

Шартнома тексти пролетар интернационализми принципларига мос бўлиб тушади. Бу принциплар социалистик давлатлар ўртасида қарор топган муносабатларнинг янги хилини вужудга келтиради. Ҳужжатнинг ҳар бир сўзи социализм қурилишида биргаликда қиладиган ҳаракатларимизнинг натижалари учун, ана шу самараларни кўпайтириш ва ҳимоя қилиш учун катта жавобгарликни ҳис этганлигимизни исбот қилади. Биз Шартномада 1968 йил 3 августда Братиславада қабул қилинган Шартноманинг руҳи ва ҳарфига асосландик. Бу Шартномага мувофиқ, ҳар бир мамлакатнинг қаҳрамонона ғайрати ва фидокорона меҳнати туфайли эришилган социалистик ғалабаларни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш — барча социалистик мамлакатларнинг муштарак интернационал бурчидир.

Биз шу нарсага қатъий аминмизки, кеча имзоланган Шартнома социализм, тараққиёт ва тинчлик кучларини мустаҳкамлашга қўшилган яна бир ҳисса бўлиб қолади. Шартнома Европада уруш фалокатининг такрорлана олмаслигига ёрдам беради.

Докладчи сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: ҳозирги кунда, Герман фашизми тор-мор келтирилганидан кейин 25 йил ўтган бир пайтда урушнинг ҳамма оқибатлари ҳали тугатилган эмас ва ҳозирги Европага доир ҳамма проблемалар ҳал этилган эмас. Биз иккинчи жаҳон урушининг ана шу оқибатларини тугатишга ва ҳал этилмаган барча масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилишни Чехословакия ташқи сиёсатининг биринчи навбатдаги вазифаси, деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи бошчилигида Социалистик мамлакатлар Европада иккинчи жаҳон урушининг якунларига риоя қилишга таянувчи коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга қаратилган таклифларни кўп марта ўртага қўйдилар. Социалистик мамлакатлар кейинги вақтларда яна ташаббус кўрсатиб, Умумевропа кенгашини чақиришни таклиф этдилар. Европадаги кўп ҳукуматлар бу таклифни яхши тушуниб олганликларини мамнуният билан қайд қиламиз. Аммо баъзи ҳукуматлар турли-туман баҳоналар билан кенгашни чақириш муддатини узайтиришга интилмоқдалар. Европа хавфсизлигининг мустаҳкам системасини вужудга келтириш йўлида муҳим қадам бўла оладиган кенгашнинг ўтказилишига халақит бериш учун уринмоқдалар.

Биз аввало, Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг Европада ҳозирги давлат чегараларига риоя қилиш, шу жумладан, ҳар иккала герман давлати ўртасидаги чегарага риоя қилиш ва халқаро ҳуқуқ асосида Германия Демократик Республикасининг давлат суверенитети ва мустақиллигини эътироф этиш мажбуриятини ўз зиммасига олишидан манфаатдормиз. Биз Германия Федератив Республикасининг мустақил сиёсий бирлик бўлмиш Ғарбий Берлиндаги конунга зид ҳаракатларига чек қўйилишидан манфаатдормиз. Биз реваншчи ташкилотларнинг фаолиятига чек қўйилишидан манфаатдормиз. Ана шу реваншчи ташкилотлар Ғарбий Германия маъмурларининг пинҳоний ёки очиқ тарзда йўл қўйиб беришлари билан Европада ҳозирги чегараларни ва статсквони қайтадан кўриб чиқишни талаб этмоқдалар. Биз аввало, Ғарбий Германия ҳукуматининг Мюнхен шартномасини бошдан оёқ бекор, деб тан олишидан манфаатдормиз.

Шу муносабат билан немис диёрида немис меҳнаткашларининг давлати, Германия Демократик Республикаси мавжуд эканлигидан иборат факт жуда катта аҳамиятга эгадир. Биз синфий қардошларимизнинг, ГДР меҳнаткашларининг эришган буюк муваффақиятларини ғоят қадрлаймиз ва шу билан бирга ГДРнинг Европада хавфсизлик ишига, бу билан Чехословакия чегараларининг хавфсизлиги ишига ҳам қўшган ҳиссасига юксак баҳо берамиз.

Урушдан кейинги даврда, деб уқтириб ўтди Г. Гусак, империализм бир қанча ҳарбий можароларни бошлаб берди, янги кризисларни вужудга келтирди ва вужудга келтирмоқда. Биз АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларини зўр ташвиш билан кузатиб турибмиз.

Биз Америка империализмининг Вьетнамдаги ва бутун Ҳинди-Хитойдаги бемаъни ва авантюристик сиёсатини кескин қоралаймиз. АҚШ ана шу сиёсати билан бутун дунёда тинчлик ва халқлар озодлигининг энг ашаддий душмани эканлигини яна бир марта исбот қилади.

Биз қаҳрамон Вьетнам халқига, жанг қилаётган Лаос ва Камбоджа халқига қизғин қардошлик туйғуларимизни изҳор қиламиз ва улар билан самимий бирдам эканлигимизни, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

Яқин Шарқдаги кескинликнинг хатарли суратда кучайиб бораётганлиги ҳам бизни ғоят ташвишлантирмоқда. Исроилнинг ҳукмрон доиралари империалистик давлатларнинг, аввало АҚШнинг қўллаб-қувватлаши билан Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюциясига амал қилмай, бу резолюцияни доим бузиб келмоқдалар ва қўшни арабларга қарши агрессив уруш ҳаракатларини кенгайтирмоқдалар.

Яқин Шарқда рўй берган ҳозирги жиддий аҳвол Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини тўлиқ бажаришга қаратилган чораларни дарҳол амалга оширишни талаб этади. Давлатларнинг ғоят кўпчилиги ва жаҳон жамоатчилик фикри каби Чехословакия Социалистик Республикаси ҳам бу резолюцияни тангликни сиёсий жиҳатдан бартараф қилишнинг энг яхши йўли, деб ҳисоблайди. Биз бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда араб давлатларининг ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги аҳд-паймонимизни таъкидлаймиз ва улар билан самимий бирдамлигимизни изҳор қиламиз.

Г. Гусак Чехословакия Социалистик Республикасининг ички аҳволига тўхталиб, қуйидагиларни айтди: сиёсий ва иқтисодий мавқеъларни мустаҳкамлаш биринчи йилнинг якунлари муваффақиятли бўлди. Лекин шундай бўлса ҳам биз бу йил ҳамма проблемаларни ҳал этолмаслигимиз равшандир. Ҳусусан ғоявий ва иқтисодий соҳалардаги мавқеъларни мустаҳкамлаш учун анча вақт ва ҳаммамизнинг кўп куч-ғайрат сарф қилишимизни талаб этади.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг 1969 йил апрель Пленуми қабул қилган кескин чоралар, пленум қарорларини амалга ошириш ҳақидаги директивалар ҳамда 1970 йил январь Пленумининг қарорлари кенг кўламдаги ташкилий ишлар учун асос бўлиб қолди. Партиянинг раҳбарлик ролини кўп жиҳатдан мустаҳкамлай олдик, давлатнинг экономикага раҳбарлигини мустаҳкамлай олдик ва давлат планининг ролини тиклай олдик.

1970 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани тасдиқланди. Бу план бу йил мавқеъларимизни мустаҳкамлаш программаси ва мақсадларининг амалга оширилишини таъминлайди. Ана шу план асосида ҳусусан шу йилнинг март ва апрель ойларида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари яна жадаллаштирилди, инфляциянинг кучайиши барҳам топмоқда, иш ҳақи ва нарх-наво стабиллаштирилди, ўртача иш ҳақининг ўсишига нисбатан меҳнат унумдорлигини жадалроқ ўстиришга эришилди, ички бозордаги аҳвол осойишта бўлиб қолди, кронга бўлган ишонч тикланди.

Биз эришилган муваффақиятларга ортиқча баҳо беришни истамаймиз, кўпгина жиддий проблемалар ҳали ҳал этилиши керак.

Экономикани мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган тадбирларни изчиллик билан рўёбга чиқармоқ учун ҳали зўр бериб куч-ғайрат сарфлаш керак бўлади.

Кундалик вазифаларни ҳал қилиш билан биз иқтисодий ривожланишнинг план ролини батамом тиклаш ва социализм афзалликларидан фойдаланиш имконини берувчи узоқ муддатли программасини аста-секин вужудга келтира бошлаймиз. Шу маънода беш йиллик планни тузиш ишлари қайтадан бошлаб юборилди, Марказий Комитет билан ҳукумат бу планга алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Ҳозир, аввало, фан-техника тараққиёти муваффақиятларини қўлланишдан келиб чиқувчи янги эҳтиёжлар ва имкониятларга асосланадиган иқтисодий концепцияни тайёрлаш зарурати туғилмоқда.

Иқтисодий бирлашиш ва халқаро социалистик меҳнат тақсимоти экономикамиз учун янги имкониятлар очиб беради. Биз халқ хўжалик планларини координациялашни, ривожланиш программаларини биргалашиб амалга оширишни, ишлаб чиқаришдагина эмас, шу билан бирга тадқиқот ва экспериментал ишларда ҳам ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни иқтисодий ривожланиш ва фан-техника тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бири деб билмоқдамиз.

Кейинги вақтлардаги вазиятнинг ривожи биздан халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш ва уни планлаштиришнинг давлат плани ҳал қилувчи ролига, давлат ижтимоий мулкчилигига ва ташқи савдонинг давлат монополиясига муттасил асосланувчи самарали социалистик системасини вужудга келтиришни жуда қатъият билан талаб қилмоқда. Иқтисодий ислоҳотнинг шу вақтгача мавжуд бўлган ижобий ва салбий тажрибасидан фойдаланиш, уни ревизионистик иллатлардан халос қилиш ҳамда ЧКП Марказий Комитетининг январь қарори руҳида партия иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришни самарали равишда таъминлайдиган раҳбарлик системасини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

Жамиятимиз ихтиёрида қудратли иқтисодий потенциал бор. Биз меҳнаткашларнинг ижодий ривожланган коллективига батамом таяниб иш кўришимиз лозим, биз жамиятимизни янада равнақ топтиришга кўмаклашувчи ва мамлакатимизнинг ҳозирги жаҳон мусобақасида фахрли ўрин олишини таъминловчи мураккаб, лекин ижодий иш ва планли ривожланишнинг равшан истиқболини илгари сурмоқдамиз.

Социалистик демократияни ривожлантиришда, сиёсий устқурма муассасаларини ривожлантиришда жамиятимиз олдида мураккаб вазифалар турибди, деди сўнгра докладчи. Биз социалистик бошқарувнинг бутун системасини такомиллаштирган ва халқнинг бошқарув ва раҳбарликдаги иштирокини кенгайтирган тақдиримиздагина янги мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўла оламиз: Бизнинг демократиямиз синфий демократиядир. Унда социализм душманларига, тартибни ва социалистик қонунчиликни бузувчиларга ўрин йўқ. Ҳар бир кимса ҳамма ишга аралаша берадиган ва ҳеч ким ҳеч нарса учун жавоб бермайдиган аҳвол билан социалистик демократиянинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Замонамизнинг энг тараққийпарвар кучи — ишчилар синфининг авангарди бўлмиш Чехословакия Коммунистик партияси социалистик демократиянинг раҳбар ва бирлаштирувчи кучи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади.

Г. Гусак пировардида бундай деб таъкидлади: Ўтган йигирма беш йил тарихимиздаги улуғ давр бўлиб, абадий сақланиб қолади. Шу даврда миллион-миллион кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасида социализм пионерларининг авлодлари орзу қилган ва унга эришиш учун курашган янги социалистик ҳаёт вужудга келди.

Уруш натижасида вайрон бўлган мамлакат эндиликда халқларимизнинг равнақи ва бахтли келажагини гарантияловчи юксак даражада ривожланган социалистик жамиятга айланди.

Бизнинг социалистик жамиятимиз чех ва словак халқларининг миллий, давлат ва социал ҳаётига доир асосий масалаларни ҳал қилишга муваффақ бўлди. Бизнинг жамиятимиз ўз мамлакатимиз шароитларида ҳам социализмнинг капитализмдан ҳар томонлама афзал эканлигини исботлади.

Чех ва словак халқлари сон-саноқсиз синовлардан кейин, ниҳоят, Совет Иттифоқи билан иттифоқ бўлиб, империализм хавфидан ўз озодлигининг гарантиясини топди. Биз ҳамиша Совет Иттифоқига таяна олишимизга ҳаммамиз қайта-қайта қаноат ҳосил қилдик.

Биз пролетар интернационализми ва муштарак мақсадлар учун курашдаги бирдамлик ҳис-туйғулари туфайли, қардош социалистик мамлакатлар билан, халқаро ишчилар синфи билан ва революцион ҳаракат билан бирлашганмиз. Биз озодлик, тараққиёт ва социализм йўлидаги улуғ тарихий курашда ўз ўрнимиз ва ўз бурчимизни яхши биламиз.

Партиямизнинг сиёсати ҳозирги аҳволни бартараф этиш йўлини ва келгусидаги ривожланишнинг равшан истиқболини кўрсатиб турибди. Келажакка ишонч ва умид билан қараш учун бизда ҳамма асослар бор. Биз Чехословакияда социализм ишининг тўла тантанасига эришамиз!

(Г. Гусакнинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қизғин, давомли қарсаклар билан, Совет Иттифоқи шарафига, ЧКП ва КПСС шарафига табрик сўзлари билан бўлиниб турди. Доклад тамом бўлганидан кейин тантанали мажлис қатнашчилари гулдурос қарсак чаладилар, «Ура!» садолари янграйди. Ҳамма ўрнидан туради).

РАДИО КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

Миллионлаб совет кишилари ҳар куни эрталаб мамлакатимизда, бутун дунёда қандай янгиликлар бўлганлигини билиш мақсадида ўз радиоприёмникларини эшитадилар. Владимир Ильич Ленин радиони образли қилиб «Масофасиз ва қоғозсиз газета» деб атаган эди. 7 майда Тошкентда радио кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Алишер Навоий номли опера ва балет театрига алоқачилар, радио ва телевидение ходимлари, жамоатчилик вакиллари келишди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов очди.

Тўпланганларнинг гулдурос қарсаклари остидан КПСС ленинча Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов радио куни тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчиларига санъат усталари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг бадиий коллективлари катта байрам концерти қўйиб бердилар. (ЎзТАГ).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши учинчи бетда).

Ўртоқлар! Биз ўртоқ Гусакнинг ёрқин ва мазмунли нутқини зўр эътибор билан тингладик. Бу нутқда социалистик Чехословакия тараққиётининг асосий якунлари чуқур таҳлил этилган, яқин ўтмишдаги сиёсий тангликдан принципиал хулосалар чиқарилган. Биз Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Чехословакияга кўрсатган интернационал ёрдамига чехословак дўстларимизнинг юксак баҳо берганликларидан миннатдормиз.

Мен шуни айтишни истайманки, КПСС Марказий Комитети, бизнинг бутун партиямиз ва бутун совет халқи Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигининг ҳозирги сиёсий йўлини жуда яхши англайди. Партия сафларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштириш, Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш, социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва социалистик демократияни такомиллаштириш, федератив асосдаги тузилишни янада ривожлантириш, шу негизда чехлар билан словаклар ягона давлатини мустаҳкамлаш, ижтимоий меҳнатни яхши уюштириш, шунингдек ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида халқ фаровонлигини ўстириш соҳасида қўйган вазифаларингиз — буларнинг ҳаммаси ҳаётий муҳим вазифалардир. Бу вазифаларнинг тўғри ҳал этилиши Чехословакияда социализмни мустаҳкамлаш ишига, шубҳасиз, хизмат қилади.

Социалистик Чехословакиядаги дўстларимиз Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1968 йил январь пленуми қарорлари билан ЧКП XIII съезди белгилаган йўлдан партия ва халқ эътиборини четга тортган воқеалар ўртасидаги тафовутни аниқ-равшан кўриб турибдилар. 1968 йил январь пленуми қарорларининг позитив томонлари Марказий Комитетнинг 1969 йил апрель, май, сентябрь пленумларида ва 1970 йил январь пленумида таъкидланди ҳамда конкретлаштирилди. Сўздагина социалистик идеалларга содиқмиз деб қасамёд қилганлари ҳолда, амалда кечиктириб бўлмайдиган бунёдкорлик вазифаларининг жиддий ҳал этилишига халақит берган, социализмдан четга тортган ва чет эллардаги империалистик доиралар билан битишиб, аслида уларнинг хоҳишини бажарган кишилар қандай ҳаракат қилганликлари эндиликда ҳаммага аён. Ўнгларнинг бутун «новаторлиги» чехословак халқининг ютуқларини инкор этишни, Чехословакияда, шунингдек қардош мамлакатларда социалистик қурилиш тажрибасини пала-партиш танқид қилишни, Чехословакияни унинг социалистик дунёдаги дўстлари ва иттифоқчиларидан ажратиб яккалаб қўйиш, 1948 йил февраль ғалабаларини улоқтириб ташлаш ва пировардида мамлакатда буржуа тартибларини қайтадан тиклаш йўлидаги уринишни кўрсатар эди.

Социализм душманларининг ана шу сохта «новаторлиги» дарҳол тартибсизлик ва бош-бошдоқлик рўй беришига сабаб бўлди. Бунинг натижасида мамлакатдаги бутун иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт ритми бузилди. Чехословак халқи дабдабали гап «қаҳрамонлари»дан юз ўгирганлигига ажабланиб бўлмайди. Чехословакия ишчилар синфи, деҳқонлари, пешқадам зиёлилари чехословак давлатининг тақдири учун жавобгарликни сезиш ҳиссидан маҳрум бўлиб қолган, антисоциалистик, контрреволюцион кучлар олдида сажда қилган кишиларнинг мамлакатни дучор қилмоқчи бўлган йўлларини рад этдилар. Чехословакия Коммунистик партияси марксчи-ленинчи ядроси, социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш учун кескин кураш бошлаган ўн мингларча ва юз мингларча коммунистлар ҳамда партиясизлар халқнинг соғлом кучларини жипслаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Халқ ленинчи коммунистларга, интернационалистларга эргашиб борди, контрреволюцияга йўл йўқ! Чехословакия социалистик мамлакат бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади! деб қатъий айтган партияга эргашиб борди.

Ўртоқлар, кураш ҳали тамом бўлгани йўқ, албатта. Империализм ва унинг малайлари ўз қора ниятларининг барбод бўлишига тоқат қилишни истамайдилар. Аммо биз синфий душманларимизнинг жаҳон социализми мустаҳкамланишини ардоқлашларини ҳам истамаймиз. Улар одамларни йўлдан уриш, социалистик давлатларни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам заифлаштириш, жанговар иттифоқимизни сусайтириш учун ҳар қандай имконият, ҳар қандай мададдан фойдаланишга уриниб келдилар ва уринаверадилар. Аммо социализм душманлари ўз умидлари халокатга маҳкум этилганлигини билиб олишлари лозим. Биз уларнинг кирдикорларига хушёрлигимизни бир неча бор ошириш билан жавоб берамиз; социалистик, коммунистик вазифаларимизни планли суратда, изчил ҳал этиш билан жавоб берамиз; ревизионистик унсурларга, уларнинг ҳар қандай либосга бурканишларига қарамай, қаттиқ зарба бериш билан жавоб қиламиз.

Бир вақтлар бу ерда, Прагада В. И. Ленин раҳбарлигида РСДРПнинг VI Бутунроссия конференцияси бўлган эди. Бу конференциянинг қарорлари ҳозирда ҳам марксчи-ленинчи партияни тузиш ва чиниқтириш учун курашдаги принципиалликнинг ёрқин намунаси бўлиб қолмоқда. Конференция меньшевикларни ҳайдаб чиқариб, партия сафларини оппортунистлардан тозалаб, пролетар авангардини чиниқтиришга ёрдам бердики, бу авангард жаҳондаги биринчи зафарли социалистик революцияга бошчилик қилди.

Аммо бирлик коммунистларга улар революция тайёрлаган вақтдагина, оммани эски жамиятни штурм қилишга бошлаб борган пайтдагина даркор бўлиб қолмайди. Бирлик янги ҳаёт қуриш жараёнида ҳам шу қадар зарурдир. Тажриба шуни ўргатадики, социалистик қурилишнинг муваффақияти, аввало, марксчи-ленинчи партиянинг жипслигига, унинг маслакдошларнинг жипслашган иттифоқи сифатида ҳаракат қила олиш қобилиятига боғлиқдир. Бу қобилият хусусан тарихнинг кескин бурилишларида синовдан ўтади. Чехословакия коммунистларининг бирдан-бир тўғри асосда, коммунистлар учун бирдан-бир мақбул асосда — марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида партия сафларини жипслаштириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилашга ижозат бергайсиз.

Чехословакия коммунистлари ана шу асосда жипслашиб, ўз олдиларида турган мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этадилар ва ишчилар синфи, кооперативлаштирилган деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар ва ёшларнинг муштарак куч-ғайратига социализм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар! Биз бунга шубҳа қилмаймиз.

Ўртоқлар! Совет партия-ҳукумат делегациясининг Чехословакияга қилган визити тугалланай деб қолди. Биз Гусак, Свобода, Штроугал ўртоқлар билан ва Чехословакия Социалистик Республикасининг бошқа арбоблари билан муҳим ва самарали музокаралар олиб бордик. Чинакам, самимий дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч вазиятида ўтган бу суҳбатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехословакия Коммунистик партияси, мамлакатларимизнинг ҳукуматлари барча принципиал масалаларда тамомила ҳамжиҳат эканлигини, уларнинг қарашлари тамомила бир хил эканлигини яна бир марта тасдиқлади. Биз партияларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, мамлакатларимизнинг иқтисодий, фан, техника ва маданий соҳалардаги ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, халқаро майдонда кўрадиган тадбирларимизни тўла мувофиқлаштириб олиб бориш имконини берадиган бир қанча тадбирлар тўғрисида келишиб олдик.

Музокаралар натижасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги совет-чехословак Шартномаси имзоланди. Биз бу ҳужжатнинг мазмуни ва аҳамиятига ғоят юксак баҳо берамиз. Шартноманинг ҳар бир моддаси интернационализм руҳи билан бир-бирига ёрдам беришга интилиш, социализм ғалабаларини биргаликда ҳимоя қилиш, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, социалистик тараққиёт ва халқлар хавфсизлигини биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, социалистик тараққиётнинг янги чўққилари сари биргаликда боришга интилиш руҳи билан суғорилган. Совет — Чехословакия ҳамкорлигининг ана шу программ ҳужжати ўз моҳияти билан аниқ ва равшан шу гапларни айтади — Совет Иттифоқи билан Чехословакия дўстлиги, партияларимиз ва халқларимизнинг дўстлиги мустаҳкам ва енгилмасдир!

Азиз ўртоқлар! Сизларнинг дўстларингиз қувончингизни сизлар билан баҳам кўрмоқдалар, чехословак халқининг кейинги чорак аср мобайнида эришган муваффақиятлари билан худди сизлар каби мамнундирлар. Чехословакия коммунистлари кейинги йилларнинг оғир синовларига мардонавор бардош берганликларини қадрлайдилар.

Чехословак жамиятини мустаҳкамлаш жараёнининг муваффақиятли суратда давом этаётганлиги, Чехословакиянинг социалистик иттифоқчилари билан доим мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги — буларнинг ҳаммаси социализм душманларига, муносиб жавобдир, озод, социалистик Чехословакия душманларига муносиб жавобдир. Бутун мамлакатда бўлгани каби бу ерда, Прага Градида ҳам коммунистик ғояларнинг енгилмас кучи, қардош социалистик мамлакатлар дўстлиги ва ирода бирлиги, социалистик интернационализм принципларининг таъсирчанлиги намойиш қилинмоқда.

Яшасин Социалистик Чехословакия!

Яшасин чехословак халқининг социализм йўлидаги курашининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Чехословакия Коммунистик партияси!

Яшасин совет ва чехословак халқларининг бузилмас дўстлиги!

Социалистик давлатларнинг қудратли ҳамдўстлиги яшнаб, мустаҳкамланаверсин!

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр диққат-эътибор билан тингланди ва бир неча бор гулдурос, давомли қарсаклар билан бўлиниб турди. Мажлис қатнашчилари гулдурос, давомли қарсаклар чаладилар. Ҳамма ўрнидан туради. Тантанали мажлис қатнашчилари «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Дўстлик — дўстлик!» хитобларини такрор-такрор айтадилар).

• • •

Мажлисда бошқа қардош социалистик мамлакатлар делегацияларининг раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Тантанали мажлис тугади. Мажлис аҳли ўринларидан туриб пролетар гимни «Интернационал»ни айтадилар.

Қаҳрамонларнинг ҳайкалига гулчамбарлар қўйилди

ПРАГА, 7 май. (ТАСС махсус мухбири). Прагада Чехословакияни фашизмдан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари дафн этилган Ольшан қабристонида бугун совет солдати ҳайкали ёнига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди.

Чехословак ва совет армияларининг бўлинмаларидан фахрий қоровул ҳайкал ёнида саф бўлиб турар эди. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, ЧССР президенти Л. Свобода, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал, ЧССР федерал мажлисининг раиси Д. Ганес ва Чехословакия партия-ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари мотам марсияси садолари остида гулчамбар қўйдилар.

Шундан кейин Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ҳайкал ёнига гулчамбар қўйдилар.

Чехословакия озод қилинган куннинг 25 йиллиги байрамида қатнашиш учун келган Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Т. Живков бошчилигидаги БХР партия-ҳукумат делегацияси. Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси П. Лошанци бошчилигидаги ВХР партия-ҳукумат делегацияси, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари А. Норден бошчилигидаги ГДР партия-ҳукумат делегацияси, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка бошчилигидаги ПХР партия-ҳукумат делегацияси, Румыния Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Румыния Социалистик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Пэца бошчилигидаги РСР партия-ҳукумат делегацияси ҳам гулчамбар қўйдилар.

СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Армияси Бош штабининг бошлиғи Совет Иттифоқи маршали М. В. Захаров бошчилигидаги совет ҳарбий делегацияси ҳам гулчамбар қўйди.

Шундан кейин Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари Витков тоғига боришиб, бу ерда Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р. 02492. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Г. 1640.